



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 ноябрь куни Оқсаройда Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг (АУСП) навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АУСП Раиси Кэролин Лэмми қабул қилди.

АҚШнинг етакчи компания ва фирмалари вакиллари делегациясининг мамлакатимизга бу галги ташрифи Америка бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганидан, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилишидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Америка-Ўзбекистон савдо палатаси 20 йилдан зиёд вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга

қўмаклашиб келаётганини таъкидлади.

Айни пайтда ушбу ноҳукумат нотижорат ташкилотга Американинг «Боинг», «Женерал Моторз», «Женерал Электрик», «Ханиуэлл», «Рио Тинто», «Цепелин», «Локхид Мартин», «Мерк», «Уайт энд Кейс», «Солар Турбинз», «ЭфЭмЭн Интернэшнл» каби 17 етакчи компанияси аъзо.

Ўзбекистон билан «Женерал Моторз» компанияси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизнинг турли ҳудудларида амал

га оширилаётган уч йирик лойиҳадан иборат. Булар — Андижон вилоятида автомобиллар, Тошкент вилоятида энг замонавий двигателлар, Хоразм вилоятида автомобиллар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини қамраб олган лойиҳалардир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўн бешта замонавий «Боинг» самолётидан муваффақиятли фойдаланмоқда, улар барча авиаташувларнинг ярмидан кўпини таъминлаётди. Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон Эйрвейз Текникс» авиация корхонаси базасида самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ташкил этиш, шунингдек, «Боинг» самолётларидан фойдаланиш ва уларга хизмат

кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кэролин Лэмми давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва Америка-Ўзбекистон савдо палатаси фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда иқтисодий ва инвестициялар соҳасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистонни глобал бизнес соҳасида етакчи мамлакат сифатида ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Президент Ислом Каримовга «Биллур глобус» тақдим этилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2014 йил 13 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 12 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР

ҳаётий мисоллар орқали
самарали ўзлаштирилади

Ҳуқуқий саводхон бўлиш Конституция, қонун ва кодексларни ўрганишдан бошланади. Ҳуқуқий билим эгаллаш орқали ўғил-қизлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаб боради. Ҳуқуқий онгининг юксалиши эса, ўз навбатида, жамиятда қонунбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу маънода, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчисининг зиммасидаги вазифа дарс ўтиш баробарида, ўқувчиларда Асосий Қонунимизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик фазилатларини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Аслида ҳуқуқ ва ахлоқ бири-бири билан чамбарчас боғланган тушунчалардир. Шунинг учун ҳам ўз тажрибамда «Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги» маъзусини тушунтиришдан олдин бир неча муаммоларни вазиятларга ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан баҳо беришларини сўрайман. Бунда ўқувчилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан мисолларни келтираман. Масалан, кимнидир ҳақорат қилиш, жа-

моат жойларида юқори овозда мусиқа тинглаш. Бундай ҳолатларга четдан қараш ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил этиш, ҳуқуқсизликни аниқлашга олиб келади. Шу ўринда Асосий Қонунимизнинг 48-моддасига мурожаат этамиз. Унга кўра, фуқаролар бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

(Давоми 7-бетда.)

ТАҲЛИЛДАН СЎНГ

жойларда билимлар беллашувининг қўйи босқичларига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда

3-бет

2014-yil —
Sog'lom bola yili

БИР ОИЛАГА БЕШ КИТОБ

6-бет

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

“ЯНГИ НИГОХ” БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Хоразмда “Янги нигоҳ” видеороликлар танлови совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилган ушбу танлов ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган навқирон авлодни вояга етказиш, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)



“ЯНГИ НИГОХ” БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Янги нигоҳ” видеороликлар танловида 300 дан зиёд ёшларнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

“Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намойён этган энг яхши видеоролик”, “Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намойён этган энг яхши видеоролик”, “Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик”, “Видеоролик сценарийи учун энг яхши ғоя”, “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисида энг яхши видеоролик” номинациялари бўйича юқори ўринларни қўлга киритган ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисида энг яхши видеоролик” номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман, — дейди навоийлик ёш ижодкор Аҳад Ҳамроев. — Тадбир ёшларнинг билим ва салоҳиятини намойён этиш, тажриба алмашиш, янги дўстлар орттириш, Хоразмнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиш учун катта имконият яратди.

Иштирокчилар Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, хусусан, Урганч темир йўл вокзали, Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув Урганч филиали, Урганч халқаро аэропорти, Шовот канали атрофи ва “Ёшлар қўли” каби янги барпо этилган



объектлар билан танишиди.

Тадбир доирасида “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” шиори остида миллий ўйинлар, либослар, мусиқа ва таомлар фестиваллари ташкил этилди.

— Бу юртга саёҳатим шундай ажойиб тадбирга тўғри келганидан ғоят мамнунман, — дейди Жанубий - корейлик сайёҳ Чон Ик Сун. — Ўзбек миллий таомларидан, хусусан, паловни биринчи марта татиб кўрдим, жуда ёқди. Унинг узига хос таъми ва тайёрлаш жараёни мени ҳайратга солди. Бутун бир санъат, дейсиз. Ёшларнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатлари бебаҳо мерос сифатида қадрлашга ҳавасим келди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз, жумладан, Хоразмда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги

“2013—2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори воҳада инфратузилма, хизмат кўрсатиш ҳамда сайёҳликни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ёш тадбиркор Дилмурод Оллаберганов раҳбарлик қилаётган “Хива қорақўл” фермер ҳўжалиги ҳудудида ташкил этилган сайёҳлик объекти ва бу ерда яратилган шароитлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Меҳмонларга туя ва отларда чўл бўйлаб саёҳат тақлиф этилар экан, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали та-

лабаси Ғўзал Турсунмуродова. — Сайёҳлар барча қўлайликларга эга ўтовларда истикомат қилиши мўмкин. Бунинг гаштини сўз билан ифодалаш қийин.

Оғайи номидаги вилоят мусиқали драма театрида “Тўмарис” ва “Жалолиддин Мангуберди” сахна асарларидан лавҳалар намойиш этилди. Хоразм Маъмун академияси фаолияти ва тарих музейи билан танишув иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Олимлар билан учрашув ҳамда “Орол денгизи атрофидаги ҳудудларда туризмни ривожлантириш масалалари” мавзусидаги давра суҳбатига ёшлар фаол иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов билан учрашди.

Аҳмадjon ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири
Шоназар КОРИЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА БРИФИНГ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди. Брифингда шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси эълон қилинган кундан бошлаб ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Брифингда таъкидланганideк, 2014 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркиби тасдиқланди, сайлов жараёнида босқичма-босқич амалга ошириладиган сайловолди тадбирларининг календарь режаси ишлаб чиқилди.

— Пойтахтимизда ушбу муҳим сиёсий тадбирга қизгин тайёргарлик кетмоқда,

Saylov — 2014

— деди шаҳар сайлов комиссияси раиси Фурқат Маҳмудхўжаев. — Бугунга қадар календарь режамиздан ўрин олган барча тадбирлар бажарилди. Айни пайтда шаҳар сайлов комиссиясининг 15 нафар аъзоси туманларга бириктирилган бўлиб, сайлов округлари ва сайлов участкалари комиссиялари аъзоларига методик кўмак кўрсатишга катта эътибор қаратилган. Энг асосийси, сайлов кампаниясида халқимизнинг зиёли, фидойи ва ташаббускор қатлами ҳисобланган педагоглар меҳнатига суянилмоқда.

Жойларда ташкил этилган сайлов округлари ва сайлов участкалари фаолиятининг Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ташкил этилишини назорат қилиш ва уларга методик кўмак кўрсатиш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Миробод туманидаги 160-сайлов участкасида

бўлиб ўтган ўқув семинарда тумандаги сайлов округи ва сайлов участкалари комиссияларининг раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари иштирок этди. Уларга сайлов тадбирларини намунали ташкил этиш борасида амалий тавсиялар билан бир қаторда, сайлов қонунчилигига оид барча ҳужжатларнинг электрон нусхалари тақдим этилди. Шунингдек, барча сайлов округлари ва сайлов участкаларида навбатчилик жорий этилган бўлиб, сай-

ловчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бериш йўлга қўйилган. Сайловолди тадбирларини самарали ташкил этишда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бир гуруҳ ташаббускор ёшлари, хусусан, Тошкент давлат юридик университети магистр талабалари иштирокида жойларда ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Тадбирда Тошкент шаҳри бўйича сайлов участкалари ва уларнинг ҳудудий чегаралари ҳамда шаҳар ва округ сайлов комиссиялари таркиби белгилангани қайд этилди. Сайловолди тадбирлари билан сайловчиларни кенг ҳабадор этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, жараёнлар Тошкент шаҳар ҳокимиятининг www.roytaxt.uz сайтида ҳам мунтазам ёритиб борилаётгани таъкидланди.

Санжар РУСТАМОВ,
“Ma'rifat” мухбири

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИСИ ТИКУВЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Зулайхо болалигидан миллий либослар яратишга, шу йўналишда хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга жуда қизиқар эди.

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларни воҳага кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратиладиган алоҳида эътибор тўғрйли кўпчилик тенгдошлари қатори у ҳам ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириш имкониятига эга бўлди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган “Менинг бизнес ғоям” танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди ва тикувчилик тармогини ташкил этди.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини бўлган ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларида ёшлар замон талаблари даражасида билим олиш билан бирга, муайян касб-ҳўнарларни ҳам пухта ўзлаштирмоқда. Бу уларга ўзлари танлаган соҳа бўйича тайёр мутахассис сифатида

меҳнат фаолиятини бошлаш имконини бераёттир. Ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш эса давлатимизнинг доимий эътиборида.

Бу борада Фаргона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, касб-ҳўнар коллежларида туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан битирувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда иш берувчи корхона ва ташиқлотлар, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, тижорат банклари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида битирувчиларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган

ёшларни қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада му-

ҳим дастуриламал бўлаёттир. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган битирувчиларга имтиёзли кредитлар ажратишнинг йўлга қўйилгани ҳам ёшлар бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Яратилаётган бундай шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланган Данғара саноат касб-ҳўнар коллежини ўқинчи босқич ўқувчиси Зулайхо Эрматова ўз тикувчилик цехида бир неча тенгдоши билан мактаб ўқувчилари учун либослар тайёрламоқда.

— Давлатимиз томонидан биз, ёшларга қаратилаётган юсак эътибордан миннатдоримиз, — дейди Зулайхо. — Замонавий касб-ҳўнар коллежида таҳсил олиш билан бирга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бизни Ватанимиз равнақи йўлида янада кўпроқ изланишга ундайди.

З.Эрматованинг ниятлари катта. Яқинда бўлиб ўтган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, 35 миллион сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу маблағ эвазига у тикувчилик тармоғини янада кенгайтириш, ўнлаб тенгдошларини иш билан таъминлашни ният қилган.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

2014-yil 12-noyabr, № 91 (8740)

Хар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган билимлар беллашуви республикамиздаги ўқувчи ва ўқувчиларни билим майдонида синаб, қайси ҳудудда таълим-тарбия жараёни қандай йўлга қўйилганини кўзгудек намоён этмоқда. Бу синов мамлакатимиздаги иқтидорли ўқувчилар билан бир қаторда кўплаб малакали педагогларни ҳам кашф этапти. Биргина 2013-2014 ўқув йилида билимлар беллашувининг қўйи босқичларида 2 миллиондан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Синовлар 16та умумтаълим фани бўйича ўтказилиб, ўқувчиларнинг ўртача кўрсаткичи 81,6 балли ташкил этди. Бу натижа 2011-2012 ўқув йилида 70,8, 2012-2013 ўқув йилида 77,8 балла тенг бўлган эди.

Ҳудудлар миқёсида Бухоро ва Навоий вилояти ўқувчилари жами 25тадан, Фарғона вилояти вакиллари 23та, ҳоразмликлар 20та совринли ўринни қўлга кич

катилган. Ўқувчиларни қизиқиши, иқтидори ва қобилиятига қараб фанлар кесимида тўғри йўналтириш, узок вақт мобайнида назарий ва амалий пухта тайёргарлик

гуруҳи раҳбари Мунаввар Нурметова. — Ҳозиргина 156-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан қайтдим. Мактаб ўқувчилари ўтган йилги билимлар беллашувининг тўман босқичида тарих, ҳуқуқ, математика, информатика, физика ва кимё фанларидан паст натижа кўрсатган. Тумандаги 50 нафар энг илғор фан ўқитувчиси иштирокида мазкур мактаб ўқитувчиларининг дарсларини кузатдик, баҳоладик, керакли тавсия ва методик ёрдамни кўрсатдик. Хар ойда ана шундай мактабларнинг иккитасига методик ёрдам кўрсатишни режалаштирганмиз. Муассасалардаги билимлар беллашувига тайёргарлик ишлари,

фақиятли қатнашган ўқувчилар муносиб рағбатлантирилди.

— Билимлар беллашувига тайёргарликни сентябрь ойидан бошлаганмиз, — дейди 255-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Нигора Курбонова. — Одатда, ўқувчиларни 5-синфдан саралайман. Дарсда яхши иштирок этган ва фанга қизиқиши юқори бўлган болалар билан бир-икки ҳафта дарсдан сўнг шуғуллангач, тест ўтказиб, улар орасидан 3-4 нафар иқтидорлисини танлаб оламан. Кейин бу ўқувчилар билан дарсдан ташқари машғулотлар асосида мунтазам шуғулланаман. Хар бир синфда шундай

Jarayon

дан тўғри хулоса чиқариб, айни пайтда иқтидорли ўқувчилар билан ҳафтасига икки-уч кун шуғулланаямиз. Машғулотларда Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан тақдим этилган «Ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар билан ишлаш» мавзусидаги бир қатор намунали дарс ишланмалари, мавзулар учун қўшимча мавлумотлар ва мантиқий масалалардан фойдаланаямиз.

Навоийлик педагоглар ҳам беллашувга аллақачон тайёргарликни бошлаб юборган. Ўтган йили баҳсларнинг республика босқичида ўқувчилари тарих фанидан биринчи ўринни олган Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг ёш ва иқтидорли ўқитувчиси Мирмуҳсин Курбонов 5-9-синф ўқувчилари билан жадвал асосида қўшимча машғулотларга киришган бўлса, ўқувчиси биология фанидан совринли ўринни қўлга киритган Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси Ўғиллой Самадова бу йил ҳам фахрли натижани сақлаб қолиш мақсадида ўқувчилари билан жиддий шуғулланмоқда.

Вилоятда билимлар беллашувининг республика босқичига тайёргарлик кўришда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўқувчилари халқаро олимпиадаларда қатнашган академик лицей ўқитувчилари мактабга келиб, тест синовлари асосида ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлашда мактаб ўқитувчиларига ёрдамлашди.

— Саралаш босқичида энг иқтидорли ва қобилиятли ўқувчини танлаб олишга катта аҳамият берамиз, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг ДТС мониторингини бўлими мутахассиси Фаррух Қўчқоров. — Шу боис фан ўқитувчилари синфдаги энг муносиб ўқувчини танлаш мақсадида мактаб босқичига қадар ҳам қайта-қайта тест ҳамда имтиҳонлар олишади. Мазкур беллашув вилоятимиздаги кўплаб ўқитувчиларнинг фаолият мезонига айланган, десам муболага бўлмайди. Синовларда ғалаба қозониш учун улар кунт билан узок вақт меҳнат қилишади, ўқувчиларини синовларда чархлаб, нафақат беллашувга, балки ҳаётга ҳам пухта тайёрлайдилар. Биз эса уларни билимлар беллашувини низомидаги ўзгариш ва янгиликлар билан ўз вақтида таништириб боришга, барча зарур методик ёрдамни кўрсатишга интиламиз.

Ғалаба ёки муваффақият ўз-ўзидан қўлга киритилмайди, балки машаққатли меҳнат ва интилишлар самарасидир бу. Эътиборлиси, мунтазам тайёргарлик, излашлар асосида баркамол авлод вояга етади.

Зебо НАМОЗОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ТАҲЛИЛДАН СЎНГ

жойларда билимлар беллашувининг қўйи босқичларига қизғин ҳозирлик кўришмоқда

ритиб, етакчилик қилган бўлса, Наманган (11та), Сурхондарё (9та) ва Тошкент вилоятлари (6та) ўқувчилари рўйхатнинг сўнгги поғоналарини банд этди.

Туман(шаҳар)лар бўйича таҳлил қилинганда, Навоий, Зарафшон, Нукус, Фарғона, Урганч, Самарқанд, Қарши шаҳарлари, Ғиждувон, Бувайда, Пастдарғом, Китоб туманлари ўқувчилари нисбатан юқори натижаларга эришган бўлса, Томди, Сўх, Қонимех, Чортоқ, Зафаробод ва Фурқат туманлари паст кўрсаткичларни қайд этди. Бу натижалар биргина ўқувчи ёки ўқитувчи эмас, балки мактаб, туман ва вилоятда таълим соҳасида олиб борилаётган ишларга ҳам муносиб баҳодир. Ўтган йилги беллашув натижаларидан маълум бўлдики, айрим туман ва мактабларда энг билимдон ўқувчилар саралаб олинмагани ёки уларнинг билимлари ноҳилис баҳолангани тўғрисида беллашувнинг кейинги босқичларида ўқувчиларнинг баллари пасайиб кетган. Хусусан, қўғина ўқувчилар умумий балнинг ярмини ҳам йиғолмаган. Ёки туманда 85—90 балл олган ўқувчи кейинги босқичда натижаларини тақрорлай олмаган.

Шуларни инобатга олган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан юқоридаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича жойлардаги халқ таълими муассасаларига аниқ чора-тадбирларни бажариш юзасидан тавсиялар тақдим этилган. Шу асосда вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими бошқаруви идораларида тегишли хулосалар чиқарилиб, келгуси натижаларни яхшилаш борасида зарур кўрсатма ва тавсиялар тайёрланди. Иқтидорли ўқувчиларни эрта аниқлаб, улар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш режаси барча вилоятларга тар

қуришгана мазкур жараёнда ўзини оқламоқда. Шу боис мактабларда иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида ишлаш борасида амалий таклифлар берилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг тавсиялари асосида туман(шаҳар)ларда «Маҳорат мактаблари»нинг фаолияти самарали йўлга қўйилмоқда.

Тақриба-тадқиқот майдонлари этиб белгиланган мактабларда синовдан ўтган илғор педагогик технология, метод ва дарс ишланмалари барча умумтаълим мактабларига етказилаёпти. Ўтган ўқув йили якуни ва билимлар беллашув натижалари таҳлил қилиниб, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда зарур чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, ўз фани бўйича билим, маҳорат ва малакасини оширишга эҳтиёжманд ўқитувчилар учун ўқув-семинарлар ташкил этилаёпти.

Туман(шаҳар) ХТМФМТЭ бўлими қошидаги давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбарлари ва фан методистлари жойларда бу борадаги ишларни кузатиб, таҳлил этиб, ўқитувчиларга керакли методик ёрдам кўрсатишаёпти. Шу боис ҳали билимлар беллашувининг мактаб босқичлари бошланмаган бўлса-да, ташкилий ишлар қизғин бормоқда.

2013-2014 ўқув йилида билимлар беллашувининг Тошкент шаҳар босқичида энг яхши натижа кўрсатган Яшнобод туманида бу йилги тайёргарликнинг бориши билан қизиқдик.

— Туманимиздаги кўрсаткичи нисбатан паст мактабларда барча фан методистлари иштирокида методик кенгашлар ўтказаямиз, — дейди Яшнобод туман ХТМФМТЭ бўлими ДТСга риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик



мактабларда йўлга қўйилган қўшимча машғулотлар билан танишиб муҳокама қиламиз. Яқинда туман педагоглари ва фан методистлари ҳамкорлигида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш борасида янги услубий қўлланма яратдик. Илгари ўқувчи билан қўшимча машғулотда қандай шуғулланиш, ўзлаштиришга қийналган мавзуларни аниқлашда хар бир ўқитувчи турли усуллардан фойдаланиб келарди. Услубий қўлланмада педагог бўш ўзлаштирувчи ва иқтидорли ўқувчи билан қандай ишлаш, тестлардан фойдаланиш, савол-жавоб орқали билимини синаб кўриш ҳақида назарий тавсия олади ва қўлланманинг ўзига хар бир қўшимча машғулот мавзусини белгиллаб боради. Бу ўқувчиларни фақат билимлар беллашувига тайёрлашда эмас, бўш ўзлаштирувчиларни фаоллаштиришда ҳам қўл келади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, билимлар беллашувининг иккинчи босқичида совринли ўринларни қўлга киритган Яшнобод туманидаги 16 нафар мактаб директори моддий рағбатлантирилган бўлса, ўқувчилари республика босқичида ҳам фаол иштирок этган 307- ва 69-мактаб директорлари шаҳар миқёсида ҳам эътироф этилди. Билимлар беллашувининг якуний босқичларида муваф

иқтидорли ўқувчилар кўп. Жадвал асосида улар билан машғулот ўтказаямиз. Синов тестлари, савол-жавобларга бошқа мактаблардан тажрибали тарих фани ўқитувчиларини ҳам ҳақираман. Улар ўқувчиларимдан тест олишади, савол-жавоб ўтказишади. Ана шунда ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар янаям аниқ намоён бўлади ва кейинги машғулотлар мавзусини белгиллашда ҳамкасбларимнинг тавсияларига амал қиламан. Ўқувчиларни туманимиздаги бошқа мактабларга олиб бориб, тенгдошлари билан савол-жавоб мусобақаларини ҳам ташкил этамиз. Бундай тадбирларда болалар тобланади, ўз имкониятларини баҳолайди, мусобақа ва беллашувга доим тайёр бўлади.

Билимлар беллашувининг Тошкент шаҳар босқичида нисбатан паст кўрсаткич қайд этган Шайхонтоҳур туманидаги 85-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси (ҳозир 9-синф) билимлар беллашувининг шаҳар босқичида математика фанидан 35 балл тўплаган. Айни пайтда фан ўқитувчисининг бу натижани кўтариш учун қандай саъй-ҳаракат қилаётгани билан қизиқдик.

— Ўқувчимиз беллашувининг шаҳар босқичида мантиқий ва геометрик масалаларни ишлашда хатоликларга йўл қўйган, — дейди Ўлмасой Қодирова. — Бун

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Самарқандда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда қатнашчилар мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўзгариш ва янгиликлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг аҳамияти ҳақидаги маърузалари билан чиқиш қилди.

Қўшработ тумани молия бўлими бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Луқмон Асадов биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

❖ Қашқадарёда бўлиб ўтган «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида 398 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Фестиваль қатнашчилари миллий қоллеулар, тасвирий ва амалий санъат, кўшиқчилик, рақс, шеърят ва адабиёт йўналишларида ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

Тегилли йўналишлар бўйича 16 нафар яқка иштирокчи ва иккита жамоа тадбирнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Фестиваль доирасида ёш ижодкорларнинг тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

❖ Қорақалпоғистон Республикасида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, минтақада санитария ҳолатини яхшилаш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида экологик шанбалик ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган «Экология ва саломатлик» кунларининг учинчи босқичи доирасида ўтказилган ушбу умумхалқ ҳаширида 470 мингдан зиёд киши иштирок этди. 1 минг 500 тоннага яқин майиш ва қурилиш чiqиндилари олиб ташланди, 290,9 километрик ариқ-зовурлар тозаланди. 31 гектар майдонда янги боғлар барпо этилиб, 55 минг 300 дан ортиқ кўчат ўтказилди.

Экологик шанбалик доирасида ташкил этилган хайрия тадбирида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига, кам таъминланган оилалар фарзандларига, мурувват уйларига 58,1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

❖ Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Тошкент халқаро Вестминстер университети, Озқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқариш соҳасида маркетинг фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

— Бугунги бозор иқтисодиёти даврида маркетинг бўйича мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифадир, — дейди университетнинг «Маркетинг» кафедраси мудири, профессор Ш.Эргашўжаева. — Биз тайёрлаётган маркетинглар талаб ва тақлиф асосида маҳсулот ёки хизмат турини тўғри йўналиштириб, истеъмолчиларни жалб эта олиши керак. Конференциядан қўзланган мақсад ҳам ёш мутахассислар, тадқиқотчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, соҳага оид янгиликлардан бохабар этишдир.

Тадбирда ташқи бозорга чиқишда халқаро маркетинг стратегиясидан фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот сифатини ошириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда маркетинг хизматларидан фойдаланиш, қишлоқ инфратузилмасини янги технологиялар асосида ташкил этиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

❖ Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни ижроси бўйича навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Бектемир туманидаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш жараёни, киши мавсума тайёргарлик кўриш, бандликни таъминлаш, давлат дастурларининг ижроси ҳақида оммавий ахборот воситалари ходимларига атрофлича маълумот берилди.

Туманда аҳолининг бандлигини таъминлашда ташкилот ва марказларнинг маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлиги коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, уй бекаларини касаначилик меҳнатига жалб этишда ижобий натижаларни бераётгани таъкидланди.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Сайлов ва ёшлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда сайлов қонунчилигининг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир юртимизда кечаётган муҳим ислохотлар жараёнининг бевосита иштирокчиси бўлган ёшларни сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириш, сайловнинг мазмун-моҳиятини тушунириш

ҳамда ҳуқуқий билимларни ошириш мақсадида ташкил этилди.

Депутатлар, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари, фаол ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда истиқлол йилларида сайлов тизими босқичма-босқич, изчил ислоҳ қилиниб, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига, миллий анъаналар ва конституциявий меъёрларга мос сайлов қонунчилиги тизими яратилгани таъкидланди.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ёшлар маънавиятини юксалтириш йўлида


Ёшлар ижод саройида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида Ёшлар маданият ва санъат маркази ва унинг янги лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги «Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ёшлар маданият ва санъат маркази давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилди.

Истеъдодли ўғил-қизларни излаб топиш ва уларни ҳар хил хизмат қўллаб-қувватлаш, ноб ёшларнинг юзага чиқариш, ёш авлодни ва танпарварлик, миллий истиқлол гоёларига садоқат билан фидойилик руҳида тарбия-

лаш, бунёдкорлик ва яратувчанлик жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришда маданият ва санъатнинг ролини ошириш каби мақсадларга қаратилган тадбирда мутахассис таъкилотлар вакиллари, санъаткорлар, иқтидорли ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

— Миллий ашула ва мусиқа мероси, замонавий миллий эстрада ва жаҳон классикаси дурдоналари инсоннинг бадиий дидини шакллантиришда муҳим ўрин тутди, — дейди хонанда Илҳом Фармонов.



— Бу каби ижодий учрашувлар болаларнинг фақат истеъдодини юзага чиқарибгина қолмай, устоз-шогирдлик анъаналарига ҳам кенг йўл очди.

Тақдирот маросимида «Эътироф — 2014» танловининг тақдирлаш маросимини ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шуниингдек, илк бор ташкил этилган «Йил қўшиғи», «Қуйла, ёшлим», «Ўвоз» телелойиҳалари, «Сен — истеъдодлисан», «Болалик олами» сингари кўрик-танлов ва фестиваллар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

Тадбир сўнггида миллий анъаналарга йўғрилган куй-қўшиқлар янгради.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗО
олган сурат.



Иқтидорли болалар беллашуви

Нукус шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Камалак юлдузлари — 2014» болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Туман босқичидан сараланган 550дан ортиқ ўқувчилар миллий ва академик ижро, эстрада, фольклор ва хор гуруҳлари, фортепьяно, торли, дамлаи ва зарбли чолғулар,

тасвирий ва амалий санъат, назм ва наср йўналишларида беллашдилар.

Тадбирда болалар ижодида бағишланган бадиий кўргазма, таниқли расом, ёзувчи-шоирлар ва бастакорлар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилди.

Яқуний натижаларга кўра, 39 нафар ўғил-қиз фестивалнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Фолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Несибеи МАМБЕТИРЗАЕВА

Инглиз тили байрами

Термиз шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг биринчи чораги якунлари бўйича «Инглиз тилини ўрганимиз» мавзусида тадбир ўтказилди. Байрамона безатилган фаоллар залига туман умумтаълим мактабларининг чет тили фани ўқитувчилари, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар тақлиф этилди.

Тадбирда бошланғич синф ўқувчилари томонидан инглиз тилида айтилган шеър ва кўшиқлар, «Ранглар ва рақамлар» ўйини, «Дарсада ва кўчада» диалоги уларнинг инглиз тилини иштиёқ билан ўргана-

ётганидан дарак берди. Шуниингдек, ўғил-қизлар билимдонлиги ва ҳозиржавоблигини устозлари бошчилигида ўтказилган «What is your name?» занжир ўйини орқали намойиш этишди.

Дилбар НОРМУРОВА,
мактаб ўқитувчиси

2014-yil 12-noyabr, № 91 (8740)

1937 йили ташкил этилиб, нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё давлатлари учун мутахассислар тайёрлаб берувчи олий даргоҳ вазифасини ўтаб келган Тошкент фармацевтика институти мустақиллик йилларида том маънода янгиланишлар даврини босиб ўтди, десак муболага бўлмайди. Айнан истиклол йилларида илм масканининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўқув-услубий, маънавий-маърифий ишлар режалари, стандартлари ва дастурлари ишлаб чиқилди. Саноат фармацияси ҳамда фармацевтларнинг малакасини ошириш факультетлари, касбий таълим, биотехнология, клиник фармация ва космоцевтика каби янги йўналишлар очилди. Айни пайтда таълимнинг янги концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш билан бирга, фармациянинг долзарб муаммолари ечимига йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини фаоллаштириш ҳамда республикамизга кириб келаётган дори препаратларини стандартлаш мақсадида институтда Дори воситаларини стандартлаш илмий марказининг ташкил этилиши бу борада катта воқелик бўлди. Бу ерда олиб борилаётган «Ўзбекистонда ўснадиган ёввойи доривор ўсимликларни ўрганиш ва ўстириш технологиясига кўрсатмалар ишлаб чиқиш», «Маҳаллий хомашёлар асосида препаратлар яратиш ва уларнинг биофармациясини ўрганиш», «Координацион бирикмалар асосида доривор препаратлар яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш», «Фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисодиёти» мавзуларидаги илмий изланишлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаси ҳамоҳанг ривожланишида, айниқса, аҳамиятли бўлаётир.

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ:

ИЛМЙ САЛОҲИЯТ ВА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

Биринчи марта «Гўдаклар уйи» учун формуляр ишлаб чиқилди

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати маълумотларига кўра, дунё миқёсида йилига 1 миллион 800 минг нафар беш ёшгача бўлган бола зотилжам касаллиги асорати туфайли ҳаётдан кўз юммоқда, — дейди «Фармацевтика ишини ташкил қилиш» кафедрасининг катта илмий ходими Зебинисо Ўбайдуллаева. — Кўплаб мамлакатларда болаларга мослаштирилган дори-дармонларнинг йўқлиги, борларининг ҳам ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги катта муаммо туғдиришмоқда. Айни пайтда тахлиллар республикамизда нафас йўллари билан боғлиқ касалликлар биринчи ўринга кўтарилганини кўрсатмоқда. Бу эса биз тадқиқотчилар олдида долзарб масалаларни кўндаланг қўймоқдаки, айнан «Зотилжам билан касалланган болаларда цефалоспорин қатори антибиотикларни оқилона қўллашни ўрганишга фармакоэкономик ёндашув» мавзусидаги илмий ишга қўл уришимга ҳам ана шу зарурат туртки бўлди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт педиатрия марказидаги касаллик варақчаларини ўрганиб, «Қайси касалликка қайси дори, қандай миқдорда берилаётми?», «Шифокор томонидан берилаётган тавсиялар тўғрисида», «Дори-дармонлар ўз вақтида етказиб берилаётми?» каби саволларга жавоб топиш мақсадида изланишлар олиб борар эканман, бу борада ижобий натижаларга эришилаётгани, республикамизда соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилаётгани, мутахассисларнинг мукаммал билим ва малака орттиришга уринишлари тиббиётимиз равишда ўз самарасини кўрсатаётганига гувоҳ бўлдим. Юқорида айтиб ўтганимдек, гарчанд нафас йўллари билан боғлиқ касалликка учраш даражаси юқори бўлса-да, шу дард туфайли ногиронликни қайд этиш кўрсаткичлари анча паст. Бу ҳам тиббиёт соҳасининг муваффақиятларидандир.

Дори-дармон воситаларидан рационал фойдаланиш мавзусида услубий, амалий қўлланмалар яратилиб, улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилаётгани, зотилжам билан касалланган беморларни даволашнинг фармакоэкономик таҳлили ўтказилиб,

янги метод(схема)лар ишлаб чиқилгани ҳам кафедра ходимларининг катта меҳнатлари самараси, десак муболага бўлмайди.

— Таҳлил жараёнида ушбу дардга қарши курашишда фойдаланиладиган дори воситаларининг ҳар томонлама самарали, қулай ва арзонлиги каби жиҳатлар ҳисобга олинди, — дея сўхбатимизни давом эттиради З.Ўбайдуллаева. — Маълумки, ҳар бир шифохона ўз муассасаси учун йиллик дори-дармон воситалари формулярини тузади. Амалиётга татбиқ этилаётган ҳулосаларимиз асосида «Гўдаклар уйи» учун илм бора ана шундай формуляр ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Биласиз, ёш болаларда ютиш рефлекс яхши ривожланмаган бўлади. Гўдақнинг нозик вужуди игна санчилганда ҳам қаттиқ озор чекади. Зотилжам билан касалланган фарзандларимизни сиrop шаклидаги дори воситалари билан даволаш эса ҳар жиҳатдан қулай ва самаралидир.

Тут барги — шифо

Қарийб 200—300 йил яшайдиган, кўркам ва серсоя, айни пайтда пиллачилик, ёғоч саноати учун муҳим хомашё саналувчи тут дархати ўзининг шифобахш неъматли билан ҳам машҳурдир. Қадимдан Шарқ табobati ва тиббиётда ундан кенг фойдаланилган. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино тут меваси ва мева шираси билан оғиз ва томоқ яллиғланишини, оғиз бўшлиғидаги шишлар ҳамда дизентерияни даволаган. Шунингдек, балх тутининг барг ширасини танглай муртақларининг яллиғла-

Jarayon

нишида ҳамда тиш оғриқларини даволашда ишлатган... Институт магистранти Рустамжон Самединов тут дархати барги ва зубтурум ўсимлигининг шифобахш хусусиятларидаги янги қирраларни татбиқ этиб, йилдан-йилга ёшариб бораётган қандли диабет касаллигини даволашда қўлланилувчи дори воситаси олишга киришган. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, статистик маълумотларга кўра, 1985 йили бу дардга йўлланганлар сони 30 миллион бўлган бўлса, 2010 йилда 320 миллионга етган. Энг аянчлиси, беморларнинг 4-5 фоизини болалар ташкил этаётир.

— Бугунги ҳолат республикамиз ва хорижда бўлиб ўтаётган конференцияларда атрофлича муҳокама қилиниб, илм-фан аҳли олдида долзарб вазифалар кўндаланг қўйилмоқда, — дейди Рустам Самединов. — «Доривор ўсимликлар янги йиғмасининг гипогликемик таъсири» мавзусида ил-

мий изланишлар олиб боришга жазм этишимга ҳам ана шу жиддий вазият туртки бўлди. Тўғри, дорихоналаримизда қандли диабет билан касалланган беморларга тавсия этиладиган дори-дармонлар мавжуд. Лекин аксарияти хориждан келтирилаётган препаратлар ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда уларнинг ноҳўя таъсирлари хусусида ҳам ўйлаб кўриш керак. Мамлакатимизда фармацевтика саноати жадал ривожланаётган, хомашё базаси етарли бўлган бир шароитда бор имконияتلардан оқилона фойдаланиш лозим.

Дарвоқе, инглиз тилини мукаммал биладиган Рустамжон кўплаб хорижий давлатларда бўлиб, халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқда. Илмий мақолалари республикамиз ва чет эллардаги газета-журналларда чоп этилаётир.

— Гипогликемик ҳоссага эга маҳаллий дориларга талабнинг юқорилиги юртимиздаги ўсимликлар ва уларнинг йиғмасидан янги, юқори таъсирга эга препаратлар олиш ва тиббиётга татбиқ этиш нечоғлик муҳимлигини кўрсатмоқда, — дея фикрини тажрибалири асосида изоҳлашга уринди Рустамжон. — Гармала сувли экстракти, 2 ва 3 композиция гипогликемик таъсирини оқ қаламушларда синиб кўрдик. Натижалар эса қувонарли.

Изланувчан йигит тавсия этаётган оқ тут барги ва зубтурум аралашмасидан тайёрланадиган дамлама ва экстрактлар табиийлиги, ноҳўя таъсирлардан холи экани билан ҳам мутахассислар эътиборини тортаётир.

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда банк тизимининг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси ва халқаро молия институти вакиллари, тижорат банклари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Институт ректори У.Азизов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори А.Қосимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор, иқтисодиётнинг барча тармоқларида изчил амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган анжуманда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ёшларнинг лойиҳаларини банк кредитлари билан таъминлаш изчил йўлга қўйилгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда навқирон авлод вакиллариининг фаоллиги ошарётгани алоҳида қайд этилди.

«Ёш тадбиркор — юрта мададкор», «Менинг бизнес гоям», «Ватаним таракқиётига менинг ҳиссам» каби кўрик-танловлар, кўргазмалар, лойиҳалар ёшларнинг ўз истеъдодини намоян этиши, тадбиркорликка оид гоёларини амалга ошириши, соҳага оид билимини мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида 19 мингдан зиёд талабага 65,1 миллиард сўм кредит ажратилган. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлидаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

— Банк тизимида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида йигит-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид вазифалар белгиланган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши координатори Бахтиёр Мамадалиев. — Истеъдодли тенгдошларимизнинг бизнес режалари тўплами электрон шаклда ҳар бир банк сайтига жойлаштирилмоқда. Бу ёшлар тақлиф қилаётган лойиҳалар билан яқинроқ танишиш, уларга ёрдам кўрсатиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Анжуманда ёш оилаларни моддий рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека, истеъмола ва таълим кредитлари имтиёзли шартлар асосида ажратилаётгани ҳақида фикр юритилди. Талабалар ва журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

“Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларнинг саводхонлигини ошириш, мактабга сифатли тайёрлаш мақсадида яратилган беш номдаги рангли-безакли қўлланмалар ота-оналарга етказиб берилмоқда.



Зангиота туманидаги 78-умумтаълим мактабида мазкур китобларни ота-оналарга тарқатиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича тушунчалар беришга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги ва соҳанинг қуйи тизими вакиллари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар юрти-мизда ёш авлодни соғлом ва маънавий-ахлоқий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиб, мактаб-

гача таълим муассасаларидаёқ болажонлар чет тили, спорт ва бадий йўналишдаги тўғаракларда ҳаётий кўникмаларга эга бўлиб улғаяётганини таъкидлашди. 5—7 ёшли болаларга мўлжаллаб 2,5 миллионга яқин нусхада чоп этилган “Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёргарлик”, “Математик тасаввурларни шакллантириш”, “Шеърли асарлар тўплами”, “Насрий асарлар тўплами” ҳамда “Соғ танда — соғлом ақл” деб номланган янги қўлланмалар болаларни шахс сифатида шакллантириш, психологик қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнаши қайд этилди. Адабиёт-

лар тўплами умумтаълим муассасаларининг кутубхоналари орқали юртимиз бўйлаб 436 минг 130 оилга бепул тарқатилиши режалаштирилган.

— Фарзанд таълим-тарбиясида ота-оналарга дас-

БИР ОИЛАГА БЕШ КИТОБ

2014-yil — Sog'lom bola yili

ота-оналари учун тўпладан 4000 нусха ажратилди. Улар китобларни ўз ҳудудидаги мактаб кутубхонасидан олиб, фарзандини мактаб-

унинг ҳам ўз китоби бор. Қўлланмаларни varaқлар-канман, мавзулар раvon ва содда очиб берилгани эътиборимни тортиди. “Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёргарлик” китоби ёрдамида болага ҳарфларни таништириш, сўзларни бўғинга бўлиш, ҳикоя тузиш, ўз исмини босма ҳарфлар билан ёзиш кўникмаларини ўргатса бўлар экан. “Математик тасаввурларни шакллантириш” расми қўлланмаси 20гача санаш, қўиш ва айириш амалларига оид билим беришга имкон яратади. “Соғ танда — соғлом ақл” китоби эса саломлашиш, кийиниш, дастурхон одоби, тиш ва қўлни ювиш тартиби, ҳаракатли ўйинлар, умуман, одоб-ахлоқ ва шахсий гигиена қоидаларини ўргатиши билан фарзандларимиз онгида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Семинар якунида ажиб манзарани кўзатамиз: мактабдан чиқар экан, онасининг қўлидан тутган болакайлар чугурлашиб, янги китоблар орқали ўқишни илгари олишини ҳаяжон ила сўзлайди...

Илҳом Жўраев,
“Ma'rifat” мухбири

ҲАР ИККАЛА ҚЎЛ ҲАРАКАТДА

Шавкат ака ва Дилноза опанинг кенжа фарзанди туғилди. Хурсандчилик муаммога айланди. Шифокор кўригида чақалоққа таянч ҳаракат аъзоларининг носоғломлиги тўғрисида ташхис қўйилди.

Шодиёр оила аъзоларининг алоҳида ғам-хўрлиги билан улғая бошлади. Мактаб ёшига етганида ота-онаси ўзи мустақил ҳаракатлана олмайдиган фарзандига қандай қилиб таълим бериш ҳақида ўйлаб қолди. Шавкат ака шифокор маслаҳати билан Окўрғон туманидаги 78-маҳсус мактаб-интернат директори Раҳим Муҳаммедовга учрашди. Шодиёрга яқка тартибда таълим-тарбия бериш учун бошланғич синф ўқитувчиси Зулхумор Ғаниева бириктирилди.

— Тўғриси, бошида жуда қийналдим — дейди ўқитувчи Зулхумор Ғаниева. — Шодиёрнинг ҳаётга талпиниши, билим ўрганиши ва касб-хунаргалашга иштиёқи мендаги ҳадикни нари ҳайдади. Ота-она фарзандининг яхши таълим-тарбия олиши учун иккита хонани ажратиб берди: бири дарсхона, иккинчиси соғломлаштирувчи машқларга мўлжалланди. Шодиёрда иккиламчи дефект бўлиб, яхши эшитмасди.

Буни бартараф этиш учун дастлаб кўргазмаларга ўқитувчи ва жонзот макетлари, турли ўйинчоқлар, расм ва видеолавҳалардан фойдаландим. Кўзи билан кўргач, унинг ўқиш-ёзиш ўрганиши жараёни осонлашди.

Шодиёр ҳозир 5-синфга ўтди. Тўрт йил мобайнида босқичма-

Maxsus ta'lim

босқич, маҳсус режа асосида таълим олди. Ҳафта-сига 10 соатдан ўтишган дарслар ўқувчи онгини анча-мунча ривожлантирди. У она тили, математика, меҳнат таълими фанларини пухта ўрганмоқда. Ҳайратланарлиси, бола иккала қўлини ҳам бирдек ҳаракатлантира олади. Ўнг қўлида ёзса, чап қўлида расм чизади. Велосипед ҳайдашга ҳам қизиқади. Меҳнат таълими дарсида суратга туширган нарсаларидан андоза олиб, рангли қоғоз ёрдамида деворий газета ва плакат ясайди. Спорт билан шуғулланиш жону дили.

— Шодиёр география фанига жуда қизиқади, — дейди Зулхумор опа. — У билан Ўзбекистон харитаси бўйича савол-жавоб ўтказаман. Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти ҳақида кўпроқ билгиси келади. Чунки у ёзги таътилда пойтахтга тиббий кўрикдан ўтгани борса, отаси хизмат сафари билан Гулистонга кўп қатнайдди. Бу йил таътилда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Шодиёрнинг қулоғига маҳсус эшитиш аппарати ўрнатилди. Бу мосламани тақиб олган бола барча товушларни аниқ-тиниқ эшита бошлади.

Шодиёр алоҳида ғам-хўрлик оғушида ривожланаётди. Келажақда ким бўлиш, қайси касбни эгаллаш ҳақида ҳали аниқ бир фикрга келгани йўқ. Соғлигини тиклаб, билим олишга интилаётган болакайнинг тақдирини муваффақиятлар кўп бўлишига ишонасан киши.

Ҳасан Мўминов,
“Ma'rifat” мухбири

Эрталаб. Кимдир ишга шошган, кимдир ўқишга. Онаси ёнида мактабга кетаётган қизалоқ эса инглиз тилида бурро-бурро шеър ўқиб борапти...

Авваллари мактабларда хорижий тиллар аксарият ҳолларда номуаффақият билан ўқитилар, бу болаларнинг тилни ўзлаштиришида анча қийинчиликлар туғдирарди. Шунданми, ўқувчилар оддий сўзларни ҳам бузиб талаффуз қилишар, мактабни битиргач ўрганганлари унут бўлиб

тур техника воситалари билан тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган. Дарслар 1-синфларда турли қизиқарли ўйин ва оғзаки нутқ машғулоти шаклида, 2-синфдан бошлаб эса алифбо ўқиш ва содда грамматик қоидаларни ўргатиш орқали олиб боришмоқда. Инглиз тили фани ўқитувчиларининг 386 нафари ўтган ўқув йили арафасида малакасини оширган эди. Жорий йилда ҳам 168 нафар чет тили фани мутахассиси хорижий тилни ўқитишнинг замонавий методлари

ОММАЛАШАЁТГАН ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

**чет тилини ўқитиш сифатини
оширишда қўл келади**

кетарди. Эндигина мактабга қадам қўйган қизчанинг инглизча шеърларни раvon айтишини-ку, тасаввур этиб бўлмасди.

Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Самарқанд шаҳридаги умумтаълим мактабларида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Шаҳримиздаги барча мактабларда 1—2-синф ўқувчилари учун чет тили хоналари ташкил этилган, — дейди шаҳар ХТМФМТЭ бўлимининг инглиз тили фани услубчиси Наргиза Раҳмонова. — Синфлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тилни осон ўзлаштиришга қўмаклашувчи жиҳозлар, кўргазмалар қуруллар билан таъминланган. 20та мактабга икки дондан ноутбук ҳам видеопроектор ажратилди. 2016 йилга қадар барча умумтаълим мактабларини за-

бўйича маҳоратини бойитди.

Шаҳарда хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида малакали педагогларнинг бой тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Айни пайтда инглиз тилидан 37-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Н.Негматова ва К.Орифжоновна, француз тилидан 43-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Х.Ризахонова ва М.Зайниева, немис тилидан 51-умумтаълим мактаби ўқитувчилари В.Андрюша ва А.Бахшишевнинг ўзига хос ўқитиш услублари кенг тарғиб этилмоқда.

Ёш авлоднинг танлаган соҳаси бўйича мустаҳкам билим олиши, касб сирларини пухта ўзлаштириб, ўз билим ва иқтидорини тўлақонли намоён этишида, албатта, чет тилини билиши жуда муҳим.

Ҳасан Мўминов,
“Ma'rifat” мухбири

ХУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР

ҳаётий мисоллар орқали
самарали ўзлаштирилади



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўқувчилар кўчада қаттиқ овоз билан гапириш, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, безориликларни амалга ошириш бошқа кишиларга нисбатан ҳурматсизлик эканлигини тушунишади. Бу каби ҳуқуқбузарликлар ахлоқ қоидаларига ҳам, қонун меъёрларига ҳам зид. Турли майда безорилик содир этган вояга етмаган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида эшитган ўқувчиларда ўзини ўзи назорат этиш кўникмаси пайдо бўлади.

Ўсмирлик палласида ёшлар ўзини кўрсатишга ўч бўлади. Бу фақат ўқишдаги, спортдаги ютуқлар эмас, кўчадаги безориликлар шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳуқуқий билимга эга ёшлар эса битта гиёҳга ҳам озор бермайди. Ахир, Бош қомусимизнинг 50-моддасида кўрсатиб

қўйилганидек, «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар». Бунда «Табиатни эъзозлаш — бурч» мавзусида қатъий режа ва мисоллар асосида батафсил фикр юритилса, ўқувчилар табиатга оқилона муносабатда бўла бошлайдилар.

Айрим ҳамкасбларимиз ҳуқуқ тилининг мураккаблиги сабабли конституциявий билимларни ўқувчиларга сингдириш мураккаблигини таъкидлашади. Аслида, бу ҳолат ҳуқуқий меъёрларни эркин талқин этиш мумкин эмаслиги билан боғлиқ. Аммо мавзуну тушунтиришда юқоридаги каби ҳаётий мисолларга мурожаат этилса, ўқувчиларга мавзу моҳиятини англаш осон кечади.

Дилрабо ХОЛМАТОВА,
Охангарон санъат касб-хунара коллежи ўқитувчиси

Юртимизда ўқувчи-ёшларга ҳуқуқий билим бериш узлуксиз тарзда, яъни бир нечта босқичда олиб борилади. Жумладан, кичик ёшдаги болажонлар конституциявий ҳақ-ҳуқуқларга доир тушунчаларни оила ва боғчада эртақ, ривоят, турли ўйинлар асосида эгаллайди.

— МТМ тарбияланувчиларига Конституциямизнинг тегишли моддалари «Конституция сабоқлари» ўқув дастури ва услубий қўлланмалар ёрдамида ўргатилмоқда, — дейди Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази директори Малоҳат Агзамова. — Машғулотлар интеграл тарзда эрталабки ва кечки соатларда ҳамда сайр вақтида

Мисол учун, ўрта гуруҳ тарбиячиси Ирисгул Оллоберганова 4-5 ёшли кичкинтойларга сайр вақтида Конституциянинг 55-моддасига биноан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканини, улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини кичик ҳикоя тарзида сўзлаб беради. Ҳафтада бир марта ўтказиладиган атроф-муҳит билан таништириш машғулотидан муассаса атрофидаги қўп қаватли уйлар, гулзор ва мевали боғларни кўз қорачигидек асраб-авайлаш (50-модда) лозимлигини ўқтиради. Бундан асосий мақсад, ўғил-қизлар қалбида табиатга, табиий бойликларни асраб-авайлашга меҳр уйғотишдир.

Баҳор ва куз ойларида ўтказиладиган «Табиатни асранг» ҳамда «Табиат ёрдамга муҳтож» кўрик-танловлари, йил давомида ташкил этиладиган мусобақаларда тарбияланувчилар ҳуқуқий билимларини намо-

«КИЧИК ФУҚАРОЛАР БЕЛЛАШУВИ»

болажонларнинг конституциявий
ҳуқуқ ва бурчларини англашида ёрдам беради

турли расм, кўргазма, видеотасмалардан фойдаланган ҳолда ташкил этилади. Жараёнда педагоглар болаларга «Ватан нима?», «Нима учун Ватанини севамиз?» деган саволларга жавоб топишига ёрдам беришади.

Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга доир қизиқарли кўрик-танлов, беллашув ва тадбирлар болажонларнинг Ватанга содиқ, ўз бурч ва масъулиятини теран англаган авлод бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Бу ҳақда Навоий вилоти Учкудук туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси мудириси Нигора Омонова шундай дейди:

— Масканимизда кичкинтойларнинг очиб беришга доир қизиқарли ошириш мақсадида кичик, ўрта, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болажонларнинг ёшига мос тарзда «Кичик фуқаролар беллашуви», «Конституциямиз моддаларини биласизми?», «Ҳуқуқ ва бурчларимиз» каби танловлар мунтазам ўтказилади. Интеллектуал беллашувларда Конституция моддаларининг моҳиятини англашга шеър, мақол ва сахна кўринишлари ижро этилади. Тарбиячилар болаларнинг психо-физиологик хусусиятларини инобатга олиб, уларнинг ҳуқуқий билимларини йил давомида ошириб боришади. Мисол учун, 3-4 ёшли болаларга «Менинг оилам» мавзусига оид қувноқ шеърлар ёрдамида оила жамиятининг асосий бўғини, жамият ва давлат мухофазасида эканлиги содда мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

ён этишади. Танловга тайёргарлик жараёнида кичкинтойлар асосий қонунимизнинг моддалари билан таништириб борилади.

— Ўқув режага кўра, 5-6 ёшли болажонларга ҳафтада икки марта ўтиладиган нутқ ўстириш машғулотидан Конституциянинг 1-, 4-6-моддалари ҳақида тушунча берилади, — дейди катта гуруҳ тарбиячиси Мадина Куразова. — DVD ва кўргазмаларни воситалардан унумли фойдаланаман. Дастлаб, ўғил-қизларга герб ва байроқ тасвири кўрсатилиб, рамзлари изоҳланади. Ўзбекистон суверен демократик республика экани ҳақида тушунча берилади. Сўнгра ҳар бир боладан оила аъзолари ҳақида қисқача гапириш сўралди ва мониторинг Мустақиллик майдонида сайр қилётган бахтли оила намоиши этилади. Шу аснода ота-онага ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозимлиги, она Ватан, халқимиз урф-одатларига оид шеър, эртақ ёки ривоят ўқиб берилади. Болажонлар эшитганлари асосида тарбиячи саволларига жавоб қайтариб, тушунчаларини мустаҳкамлайди.

Машғулотларга МТМ шифокори ҳам тақлиф этилиб, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани (40-модда) болаларга содда қилиб тушунтирилади. Шу тарика Конституциямизнинг мазмун-моҳияти осон ва қизиқарли тарзда болалар онгига сингдириб борилади.

Гүлюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



ТАБИАТНИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанлари-га ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг замонавий усулларда дарс бериш маҳоратини ошириш мақсадида очик дарслар ўтказиш аниъанага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган очик дарс «Бош қомусимиз ҳуқуқларимиз қафолати» мавзусига бағишланди. География фани ўқитувчиси Барно Халилова ўтган очик дарсда 9-синф ўқувчилари иштирок этди. Ўқитувчи Бош қомусимизнинг моддаларидан география фанига оидларини ўқувчиларга шарҳлаб берди.

Конституциямизнинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дея белгилаб қўйилган. Ўқитувчи ушбу модда юзасидан суҳбат уюштириб, ўқувчилардан табиатга онгли муносабатда бўлиш деганда нимани тушунишларини сўради. Ўқувчилар бирин-кетин фикр билдириб, синф хонасини тоза-озода сақлаш, мактаб атрофини ободонлаштириш, табиий бойликларини исроф қилмаслик орқали табиат мусаффолигига ҳисса қўиши мумкинлигини таъкидладилар.

Дарс сўнггида ўқувчилар Конституция моддаларининг мавзуларга сингдириб қўйилган билимлари мустаҳкамлашида алоҳида аҳамият касб этаётганини айтдилар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГУРУХЛАРГА БЎЛИБ ЎҚИТИШ

Жорий йилнинг август ойида таълим ходимларининг анъанавий август кенгашиларида ўтган ўқув йили якулари атрофида таҳлил қилини ва янги ўқув йилида амалга оширилган вазифалар белгилаб олинди. «Ўтган йили таълим мазмунини қандай юксалишлар кузатилади?», «Оқиш ўқув машғулоти сараси қутилганидек бўлди?», «Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, ўғил-қизларни миллий истиқлол юзаси руҳида тарбиялаш, мустақил фикрлашга ўргатиш, ўқувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишлар қай даражада бўлди?» каби саволларга атрофида жавоб изланди. Ўнг муҳими, ўқувчилар дарс ва машғулотларда илгир педагогик технологияларни қўлаш, ўқувчига билимларни қай тарзда етказган маъқул, деган мавзуларда фикрлашиб, тажрибаларини ўртага ташлашди, дарс ишланмаларини ҳавола этишди. Шу маънода, мен ҳам анжуманининг шўба йиғилишларида ҳамкасбларимга ўқитишнинг янги педагогик технологияларга оид ноанъанавий усуллар, жумладан, гуруҳларга бўлиниб ишлаш усуллари афзаллигини таъкидлаб, йиғилганларга бу борадаги тажрибаларимни «Трансформатор. Электр энергиясини узатиш» мавзусини ўқиш орқали кўрсатиб бердим. Иштирокчилар томонидан илиқ қутиб олинган усул «Ma'rifat» газетаси муштарийларига ҳам маъқул бўлади, деган умидданам.

МАЗВУ: ТРАНСФОРМАТОР. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ	
Ўқув машғулотининг таълим технологияси модели	
Ўқув соати: 2 соат	Ўқувчилар сони: 30 нафар
Машғулот шакли	Назарий-тўлиқ ўқув машғулоти
Ўқув машғулот режаси	1. Трансформаторнинг тузилиши ва вазифаси. 2. Трансформация коэффициентини. 3.Пасайтирувчи ва кучайтирувчи трансформаторлар. 4. Трансформаторнинг фойдали иш коэффициентини. 5. Электр энергиясини узоқ масофаларга узатиш.
Ўқув машғулотининг мақсади: — таълимий: трансформаторнинг вазифаси, тузилиши, схемаларда шартли белгиланиши, трансформаторнинг салт ишлаши, юкланган трансформаторнинг ишлаши ҳамда унинг фойдали иш коэффициентини, трансформаторнинг амалда қўлланилиши ва электр энергиясини узатиш тўғрисидаги билимларни шакллантириш. — тарбиявий: техник қурилмаларни асраш, инсон меҳнатини кадрлаш, аждодларга муносиб бўлишга ўргатиш. Ўқувчиларни иқтисодий, экологик, эстетик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. — ривожлантирувчи: билим ва кўникмаларни чуқур шакллантириш ҳамда таълимда узвийликни таъминлаш. Ватан равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиш — ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлиги тўғрисидаги фикрларни ривожлантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
Трансформаторнинг вазифаси, тузилиши, схемаларда шартли белгиланиши ҳақида тушунча бериш.	Трансформаторнинг вазифаси, тузилиши, схемаларда шартли белгиланиши ҳақида тушунчага эга бўлади.
Трансформаторнинг салт ишлаши ва юкланган трансформаторнинг ишлаши тушунтирилиб, намойиш этилади. Трансформаторнинг фойдали иш коэффициентини ҳисоблаш ва усунанинг амалда қўлланилишини ўргатиш. Электр энергиясини узатиш тўғрисида маълумотлар бериш. Мавзу саволлари бўйича изоҳлаш ва шакллантириш жараёнини ташкил қилиш.	Трансформаторнинг салт ишлаши ва юкланган трансформаторнинг ишлашини мустақил ўрганади. Трансформаторнинг фойдали иш коэффициентини ҳисоблаш, унинг амалда қўлланилишини ўрганади ҳамда таъкид этиди. Электр энергиясини узатиш тўғрисидаги маълумотга эга бўлади. Мавзу асосида хулоса чиқаради.
Ўқитиш усуллари:	Тушунтириш, йўриқнома бериш, тақдимот.
Ўқитиш воситалари:	Маърузалар матни, таянч консект, слайдлар, тарқатма материаллар, трансформаторлар, компьютер, анимациялар, проектор.
Ўқитиш шакли:	Кичик гуруҳларда ишлаш, жамоавий.
Қайта алоқанинг усул ва воситалари:	Оғзаки сўров: тезкор сўров, тақдимот.

“ТРАНСФОРМАТОР. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ” МАВЗУСИДАГИ НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ		
Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотларига кириш (10 дақиқа)	1.1. Гуруҳ давомати, об-ҳаво маълумоти, дарснинг шорини изоҳлаш ва янгиликлар сўралади. 1.2 Ўтилган мавзу бўйича тезкор саволлар (1-илова).	Тинглайди, ёзади. Саволларга жавоб беради.
2-босқич. Асосий (60 дақиқа)	2.1. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш. Гуруҳларда ишлаш қоидасини таништириш (2-илова). Янги мавзу бўйича гуруҳлар (тарихчилар, физиклар, математиклар, иқтисодчилар ва муҳандис-техниклар)нинг фикрлари кетма-кетлик билан эшитилиши ва тақдироти ташкиллаштириш (3-илова). 2.2. Ҳар бир кичик гуруҳга навбатма-навбат саволлар бериш. Гуруҳларнинг жавоб беришини ташкиллаштириш. Берилган жавобларни муҳокама қилиш. 2.3. Машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ слайдларни намойиш этиш ва шарҳлаш учун мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилиш. Асосий маълумотларни дафтарга қайд этишларини айтиб ўтиш. Ўнг зарур жойларга ўқувчилар диққатини жалб этиш. 2.4. Жихозлардан фойдаланиб тажрибалар ўтказилади, мавзу топшириғи учун зарур бўлган тарқатма материалларни тарқатиш, назорат қилиш, тақдироти ташкиллаштириш. 2.5. Компьютер орқали экранда анимацияларни намойиш этиш.	Эшитади. Гуруҳларда ишлайди, тақдимот қилади. Саволларга жавоб беради. Эшитади, ёзади, саволлар беради. Гуруҳларда ишлайди, тажрибани намойиш этади, тақдимот қилади. Эшитади, кўради ва фикр юритади.
3-босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича хулоса қилиб, энг муҳим маълумотларга ўқувчилар диққатини жалб қилади. 3.2. Ўқувчилар билими уч даражали тестлар орқали аниқланади, баҳоланади (4-илова). 3.3. Ҳар бир ўқувчи ва гуруҳларнинг дарсдаги иштироки хулосаланиб баҳоланади. 3.4. Мустақил ишлаш учун вазифа беради.	Ҳар бир савол-жавобда фаол иштирок этади. Ҳар бир ўқувчи баҳоланади. Тест топшириқларини бажаради. Уйга вазифани ёзиб олади.

нинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, тўлдириб боради. Муҳандис-техник ходимлар техник қурилманинг турмушда, саноатда, қишлоқ ҳўжалигида, транспортда қўлланилиши ва унга техник хизмат

Амалий машғулоти

қўрсатиш ҳақида ўз фикрларини айтади. Бундай дарсларни ўқиш учун тайёргарлик бир ҳафта олдин бошланади. Ҳар бир кичик гуруҳ (тарихчилар, математиклар, физиклар, иқтисодчилар ва муҳандис-техник ходимлар)га алоҳида топшириқлар берилади ва улар тайёргарлик кўриши

Тезкор саволлар:
1. Генератор деб нимага айтади?
2. Генераторларга мисоллар келтиринг?
3. Генераторларнинг имасида қандай умумий қисмлар бор?
4. Индуктор деб нимага айтади?
5. Якор деб нимага айтади?
6. Коллектор деб нимага айтади?
7. Генераторнинг қўзғалмас қисми статорнинг вазифаси нима?
8. Генераторнинг айланувчи қисми роторнинг вазифаси нима?
9. Битта рамкада ҳосил бўладиган индукция ЭЮК нинг оний қиймати.
10. Бир фазада ток деб нимага айтади?
11. Икки фазада ток деб нимага айтади?
12. Ўзгарувчан ток генераторида нима учун жуфт кутблар сони оширилади?

Машғулотларни бошладан аввал ўқувчилар мавзу режаси билан таништирилади, уларга таянч тушунчалар, гуруҳларда ишлаш қоидалари тушунтирилади.

МАЗВУ: Трансформатор. Электр энергиясини узатиш

РЕКА:
1. Трансформаторнинг тузилиши ва вазифаси.
2. Трансформация коэффициентини.
3. Пасайтирувчи ва кучайтирувчи трансформаторлар.
4. Трансформаторнинг фойдали иш коэффициентини.
5. Электр энергиясини узоқ масофаларга узатиш.


Таянч тушунчалар:
Трансформатор, бирламчи ва иккиламчи чулғам, қувват коэффициентини, трансформация коэффициентини, фойдаланиш коэффициентини, энергия исрофи, электромагнит индукция, электр юритувчи куч.

Гуруҳларда ишлаш қоидаси:
1. Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, топшириқларга масъулият билан ёндашинг!
2. Агар ёрдам керак бўлса, албатта, муурожаат қилинг!
3. Агар сиздан ёрдам сўралса, албатта, ёрдам беринг!
4. Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт!
5. Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ҳам ўрганамиз!
6. Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб соҳилга чиқамиз ёки биргаликда чўкиб кетамиз!

Трансформатор. Электр энергиясини узатиш.

1. П.Н. Яблочков (1878). И.Ф.Усагин. Трансформатор ўзгарувчан токни деярли энергия йўқотмасдан қўчланишни орттириш ёки камайтириш учун қўлланиладиган статик электромагнит қурилмадир. Трансформатор берк темир ўзакдан ва унга кийдирилган сим чулғамли иккита (ёки ундан ортки) галтақдан иборат.

Трансформатор yordamida kuchlanish necha marta orttirilsa, tok kuchi shuncha marta kamaytiriladi yoki, aksincha.



Бирламчи чулғам ўзгарувчан қўчланиш манбаига, иккиламчи чулғам истеъмолчиға уланади.

2. Трансформаторнинг ишлаши электромагнит индукция ҳодисасига боғлиқлиги.

Индукция ЭЮКнинг оний қиймати ё бирламчи ёки иккиламчи чулғамнинг исталган ўрамида бир хил бўлади. Бирламчи чулғамдаги тўлиқ индукция ЭЮК $e_1 = n_1 e$ Иккиламчи чулғамдаги тўлиқ индукция ЭЮК $e_2 = n_2 e$

Бундан, $\frac{e_1}{e_2} = \frac{n_1}{n_2}$ Трансформатор чулғамларининг фаол қаршилиги жуда кичик ($P \gg 0$). $U_1 = -e_1$

Трансформаторнинг иккиламчи чулғами узиб қўйилса, ундан ток ўтмайди ($I_2 = 0$). $U_2 = -e_2$

$\frac{U_1}{U_2} = \frac{e_1}{e_2} = \frac{n_1}{n_2} = K$ К-трансформация коэффициентини. $K > 1$ бўлса, трансформатор пасайтирувчи. $K < 1$ бўлса, трансформатор кучайтирувчи.

Трансформатор юкламасиз (салт) ишлаш режимида тармоқдан деярли энергия олмайди. 3. Трансформаторнинг иккиламчи чулғамига истеъмолчи уланса энергия бирламчи занжирдан иккиламчи занжирга узлуksиз равишда ўтиб туради. Иккиламчи занжирдаги токнинг қуввати бирламчи занжирдаги токнинг қувватига тенг бўлади.

$P_1 \approx P_2$; $U_1 I_1 = U_2 I_2$; Бундан, $\frac{U_1}{U_2} = \frac{I_2}{I_1}$

Трансформатор ёрдамида қўчланиш неча марта орттирилса, ток кучи шунача марта камайтирилади ёки, аксинча. Трансформаторнинг ФИК:

$\eta = \frac{P_2}{P_1} \cdot 100\% = \frac{U_2 I_2}{U_1 I_1} \cdot 100\%$ $\eta = 94 \div 96 \%$

4. Трансформаторнинг қисқа тўташув режимида бирламчи чулғамдаги қўчланиш U_1 га тенг, иккиламчи чулғамда истеъмолчи уланмаганлиги учун $P = 0$. Бу ҳолда $I_2 \Rightarrow \max$ натижада чулғамда кўп микдорда иссиқлик ажралади.

5. Электр энергиясини узатиш:

$P = 1000 \text{ kW}$ а) U_1 қўчланиш узатилса, $U_1 = 5 \text{ kV}$ $I_1 = \frac{P}{U_1} = \frac{10^6 \text{ W}}{5 \cdot 10^3 \text{ V}} = 200 \text{ A}$ $U_2 = 50 \text{ kV}$ Энергия исрофи: $P_1 = I_1^2 R = 800 \text{ kW}$ $R = 20 \Omega$ б) Агар камайтирувчи трансформатор билан қўчланиш 10 марта орттирилса, $I_2 = \frac{P}{U_2} = \frac{10^6 \text{ W}}{50 \cdot 10^3 \text{ V}} = 20 \text{ A}$ Электр энергияни қандай узатиш керак? У ҳолда энергия исрофи $P_2 = I_2^2 R = 8 \text{ kW}$ бўлади.

1 сутка давомида 1% электр энергия исроф бўлса, бир неча миллион сўм зарар келтиради.

Электр энергияси олис масофаларга узатилганда узатиш линияларида энергия исроф бўлади, чунки ток узатиш линиялари орқали ўтганда уларни қиздиради. Жоул-Ленц қонунига мувофиқ линия ўтказгичларини қиздириш учун сарф бўладиган энергия микдори қуйдагича:

$$\text{Бу ерда } R = \rho \frac{l}{S}; \quad Q = I^2 R t \quad Q = I^2 \rho \frac{l}{S} t$$

Электр энергиясини узоқ масофаларга узатишда линия қарши-лигини камайтириш қийин ишдир. Чунки қиммат турадиган рангли металлларни сарфлашга йўл қўйиб бўлмайди, оғир симларни баланд минораларга ўрнатиш билан боғлиқ қийинчиликлар пайдо бўлади. Ўтказгичнинг қўнда-ланг қисминини ошириш иқтисодий жиҳатдан самарасиздир.

Узатиш линияларидаги ток кучини камайтириш керак. Ток қувватини сақлаш учун ток кучини фақат қўчланиш-ни ошириш йўли билангина камайтириш мумкин.

Электр станцияларида кучайтирувчи трансформатор қўйилади. Қўчланиш погоналаб пасайтирилади.

4-илова Ўқувчилар билимини назорат қилиш учун уч даражали тестлар

1.1. Трансформатор қандай асбоб?
А) Ўзгарувчан қўчланишни ўзгартирувчи. В) заррачаларни тезлаштирувчи. Д) электромагнит тебранишларни ҳосил қилувчи. Е) радиоактив нурланишларни аниқловчи.

2. Берилган жумланинг мазмунига мос равишда гапни давом эттиринг: электр занжирини да трансформатор...
А) Ошади. В) Камаяди. Д) Ўзгармайди. Е) Аввал ошади, сўнгра камаяди.

6. Трансформаторнинг бирламчи чулғамидидаги ток кучи 0.5А, қисқичларидаги қўчланиш 220V бўлган. Агар трансформациялаш коэффициентини 22 бўлса, иккиламчи чулғамдаги ток кучини (А) ва иккиламчи чулғам қисқичларидаги қўчланиш (V) топинг.
А) 3; 2700 В) 1/3; 2700 Д) 3; 300 Е) 1/3; 300

5. Ишлайтган трансформатор иккинчи чулғамдан олинаётган ток ошиши билан биринчи чулғамга кетма-кет уланган амперметр кўрсатиши қандай ўзгара-ни?
А) Ошади. В) Камаяди. Д) Ўзгармайди. Е) Аввал ошади, сўнгра камаяди.

6. Трансформаторнинг бирламчи чулғамидидаги ток кучи 0.5А, қисқичларидаги қўчланиш 220V бўлган. Агар трансформациялаш коэффициентини 22 бўлса, иккиламчи чулғамдаги ток кучини (А) ва иккиламчи чулғам қисқичларидаги қўчланиш (V) топинг.
А) 3; 2700 В) 1/3; 2700 Д) 3; 300 Е) 1/3; 300

III. 1. Трансформатор салт ишлаганда, 1W қувват истеъмол қилади. Агар трансформаторга 400 W қувват қабул қилувчи асбоб уланса, унинг ФИК 98% га тенг бўлади. Трансформатор чулғамларини қиздиришга неча W қувват сарфланади?
А) 0 В) 7 Д) 10 Е) 8

2. Пасайтирувчи трансформаторнинг бирламчи чулғами 220 V қўчланишли тармоққа уланган. Трансформаторнинг иккиламчи чулғами ўчларидаги қўчланиш 20 V, чулғамнинг қарши-лиги 1Ω, ундан ўтаётган ток кучи 2 A бўлса, трансформаторнинг трансформация коэффициентини қанчага тенг?
А) 2 В) 0.5 Д) 3 Е) 5

3. Пасайтирувчи трансформатор чикишдаги қўчланиш 30V. Унга ҳар бири 0.8 A ток истеъмол қиладиган 100та лампочка уланган. Агар трансформаторнинг ФИК 96% бўлса, унинг қир-ишдаги қуввати қандай (kW)?
А) 1.5 В) 2 Д) 3 Е) 2.5

4. Трансформаторнинг бирламчи чулғамидида қўчланиш 220V бўлган. Агар трансформациялаш коэффициентини 10 бўлиб, қар-шилиги 4Ω бўлган иккиламчи чулғамдан 5A ток ўтаётган бўлса, иккиламчи чулғам қисқичларида-ги ЭЮК қанчага тенг (В)?
А) 2 В) 0.5 Д) 3 Е) 5

5. Трансформаторнинг иш-лаши ... га асосланган. Нўқталар ўрнига қуйидагилардан тўғриси-ни таллаб қўйинг.
А) Жоул-Ленц қонунини. В) Электромагнит индукция қону-ни. Д) Кулон қонунини. Е) Ом қону-ни.

II. 1. Кўпайтирувчи трансфор-маторда қайси чулғамдаги сим-нинг қисми катта бўлиши ке-рак?
А) Биринчи. В) Иккинчи. Д) Икки симнинг ҳам. Е) Сим қисмининг юзасининг аҳамияти йўқ.

2. Трансформаторнинг бир-ламчи чулғамига 220V қўчла-ниш берилган. Иккиламчи чул-ғамдаги қўчланиш 10V. Агар ик-киламчи чулғамдаги ўрамлар сони 100та бўлса, бирламчи чулғам-даги ўрамлар сони қанча?
А) 22000 В) 2200 Д) 220 Е) 22

3. Пасайтирувчи трансфор-маторнинг иккиламчи чулғами занжирдаги қўчланиш 80 V ва ток кучи 2 A. Қўчланиш 160 V бўлган бирламчи чулғамдаги ток кучи қанча?
А) 4A В) 0.5A Д) 2A Е) 1A

4. Бирламчи чулғамда 900 та ўрами бўлган трансформатор қўчланишини 220 V дан 660 V гача оширади. Трансформация-лаш коэффициентини ва иккила-мчи чулғамдаги ўрамлар сони то-пилинг.
А) $\eta = 85\%$ Б) $\eta = 90\%$ С) $\eta = 95\%$ Д) $\eta = 83\%$

Дарс якунида уйга вазифа си-фатида мавзунини ўқиб келиш топ-ширилади.

Исроил ЖЎРАЕВ, Бухоро муҳандис-технология институтини қошида 2-Коровулбозор академик лицейининг физика фани бош ўқитувчиси

ИБРАТ ВА НАМУНА

улуғ мақом касб этади

Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ёш авлодни касбга йўналтириш бўйича тенги йўқ фикр, ғояларни илгари сурганлар, таълимотлар яратганлар. Илмий меросни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ҳамда жаҳон фанининг мазкур соҳадаги ютуқлари билан таққослаш ўзигимизни англаш имконини кенгайтириб, халқимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада оширади. Миллий педагогикамиз тарихини, айниқса, ёш авлодни касбга йўналтириш бўйича аждодларимизнинг асрлар давомида тўплаган тажрибаларини ўрганиш эса касбга йўналтириш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Манбаларда баён қилинишича, азал-азалдан фарзандларнинг касб-хунарга йўналтиришга, уларнинг илм-фан, маърифат сирларини эгаллашига аждодларимиз катта эътибор беришган. Меҳнат, меҳнат тарбияси, устоз-шогирд аънаъаси, касб-хунарни эгаллашнинг жамият ва ёш авлод учун аҳамияти, касб-хунарни эгаллашнинг кишига қўядиган талаблари каби масалалар Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Жалолiddин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Захриддин Муҳаммад Бобур каби улуғ бобоқалонларимизнинг тарихий меросидан жой олган. "Авесто"да ҳам болалар ёшлигидан дарахт кўчати ўтқазиш, уй-рўзгор қуролларини тайёрлаш каби машғулотлар билан шуғулланишлари кераклиги ҳақида кўплаб сатрлар мавжуд.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар китоби — "Ал-жомеъ-ас-саҳиҳ"да ҳам ёшлар келажаги учун муҳим касб-хунарни ўрганиш, меҳнат қилиш ва унинг афзаллиги тўғрисида кўплаб ҳадислар келтирилган. Эътиборлиси шундаки, мазкур тўпламда "Тўқувчи ҳақида", "Темирчи ҳақида", "Тикувчи ҳақида", "Савдо ишлари ҳақида" боблар мавжуд бўлиб, уларнинг касбий одоб билан боғлиқ масалалар ҳам ўз аксини топган. Булар она диёримизда ёш авлодни касбга йўналтириш ишини олиб боришда муҳим манба бўлган.

Абу Райхон Беруний инсоният тарихида биринчилардан бўлиб болаларни кичик ёшдан меҳнат қилишга ўргата бориш, катталар меҳнатини эъзозлайдиган қилиб тарбиялаш, болани илм ва касбга ўргатиш оиланинг диққат марказида бўлиши кераклиги ҳақида фикр билдирган. Аллома оилада бошланган меҳнат тарбиясини мактабда таълим билан бирга хунарга ўргатишга боғлаб давом эттириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Улуғ мутафаккир меҳнат ва касб-хунарга ворислик асосида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишини синчковлик билан ўрганган ва инсонларнинг хунарсандчилик фаолиятларини юқори баҳолаган.

Ўз-ўзидан равшанки, серкира фаолият мураккаб меҳнатни, чуқур билимни талаб қилиш баробарида хунарсанд усталар орасида ихтирочиликнинг кенг тарқалишига замин яратган. Айниқса, аждодларимиз томонидан тошларни пармалаб тешиш, аралаш ва кесишда зарур бўлган оддий пармалаш дастгоҳи ҳамда бурғунинг кашф қилиниши ўша давр учун ўзига хос мўъжиза саналган. Юқорида баён қилинганлар юртимизда металлургия, кончилик соҳалари билан бирга, хунарсандчиликнинг нақадар кенг тармоқ отганидан далолат беради.

Абу Райхон Беруний таълим ва тарбияни амалга оширишда боланинг мойлиги, қобилиятини ҳисобга олиш зарурлигининг туб моҳиятини педагогика-психология фанлари тарихида илк бор кўрсатиб берган.

Тарихий манбалардан маълумки, хунарга эгаллаш кўлами ривожланиши юқори поғонага кўтарилган. Натижада халқимизнинг ҳорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим манбаларга асосланиб шунга айтиш мумкинки, 32 йил хунарга тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойни шаҳар деб аташган. Сохибқирон Амир Темур ҳам

Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти этиб танлашда юқорида кўрсатилган қоидага амал қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Илк уйғониш(Ренессанс) даври фани ва педагогик фикрлар тараққиётига катта ҳисса қўшган донишманд Юсуф Хос Ҳожиб "Кутадғу билиг" асарида ҳар бир киши ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси сифатида хунарга

хунарга соҳибларини эъзозлаб, кишиларни улардан ибрат олишга чақиради.

Сохибқирон Амир Темур ўз салтанатида йирик меҳнат тақсимооти негизида мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан хунарсандчилик — тўқимачилик, ёғоч ва тош ўймакорлиги, гилам тўқиш, сопол, металл буюмлар тайёрлаш каби соҳаларни янада ривожлантиришга ҳамда

деҳқончилик, чорвачилик ва савдога катта аҳамият қаратган. Шу сабабли ижтимоий ҳаётда янгидан-янги касб-хунарни эгаллаш пайдо бўлишига имконият яратилган, оммавий ишсизликка йўл қўйилмаган.

Аждодларимиз ўз асарларида ёшларнинг касбий меҳ-

нат таълими ва тарбиясига жуда катта эътибор берганлар. Улар касб-хунарга таълим ва тарбиянинг зарурий таркибий қисми сифатида ёшларнинг меҳнат қилиш ва унинг ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия билан бирга олиб бориш зарур, деб ҳисоблаганлар. Ёшларга қобилиятларини ва мойилликларини ҳисобга олиб,

Буюк аждодларимиз бадантарбияси, жисмоний машқлар ва спорт, миллий ҳаракатли ўйинларнинг ёш авлоднинг асосли касб танлашига ижобий таъсирини бошқа миллатлардан анча олдин фахрлаб олгани, ундан оқилона фойдалангани ибратлидир.

кир ўз болаларини фойдали меҳнатга ўргатмасдан олти-ча эркалатиб, бу билан уларнинг келгусида нолойиқ хатли-ҳаракатлар қилишига тўғридан-тўғри айбдор бўладиган ота-оналарни қаттиқ қоралаб, "Кимнинг ўғли ёки кизи талтайтириб юборилган бўлса, бунинг учун у охири қаттиқ йиғлайди", деб таъкидлайди.

Махмуд Кошғарий "Девонини лугатит турк" асарида "Илмни, ақли одамларга яхшилик қилиб сўзларини тингла. Илмларни, хунарни ўрганиб, амалга ошир", дейди. Алломанинг ушбу фикри кишиларни меҳнат қилишга, яхшиликка ундайди, ёмонликни қоралайди. Илм ва

жиддий ўйлаб меҳнат турини танлаш тўғрисидаги панд ва насиҳатларини кўриш мумкин. Чунончи, Алишер Навоий таълим олувчиларнинг индивидуал, ўзига хос қобилиятларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаб, "Инсонлар табиатан тенг бўлсалар ҳам, аммо уларга турли фазилатлар берилган", дейди.

"Фарҳод ва Ширин" достонида пахлавон Фарҳоднинг илм-хунарга қизиқишини тарғиб этади ҳамда Фарҳоднинг бир неча касблар эгаси, яъни сангтарошлик, рассомлик, наққошлик каби хунарни мукамал эгаллаб олган киши сифатида улуғлайди. Илм ва хунарни эгалла-

ган, жисмоний жиҳатдан чиққан меҳнатсевар Фарҳод камтарин, мазлумларга ғамхўр, одил, мард ва олижаноб бўлиб етишади.

Бу каби мисоллар нафақат адабиёт дорисида, балки касб-хунарга коллежларида ишлаб чиқариш таълими устаси машғулотида ҳам келтирилса, ўқувчиларнинг бир неча хунарни эгаллашга бўлган иштиёқи ошади.

Буюк аждодларимиз бадан тарбияси, жисмоний машқлар ва спорт, миллий ҳаракатли ўйинларнинг ёш авлоднинг асосли касб танлашига ижобий таъсирини бошқа миллатлардан анча олдин фахрлаб олгани, ундан оқилона фойдалангани ибратлидир. Давлат ва фуқаролик ишларини тўғри ташкил этишда одамларнинг психологик, физиологик имкониятларини ҳисобга олиб иш қўрганликлари, шубҳасиз, ҳар биримизда ҳайрат, завқ ва ғурур туйғуларини уйғотади.

Юқорида баён қилинганлардан кўринадики, буюк алломалар ва мутафаккирлар касбга йўналтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, педагогик-психологик жиҳатларига, ота-она, мактабнинг роли, касб танлашда ёш авлоднинг ҳаёт, меҳнат йўлини мустақил танлашга алоҳида эътибор билан қараган. Болани хунарга йўллашда унинг қизиқиш, мойиллиги, қобилиятини ўрганиш, бундай ҳолатда хунарсандчилик, изчиллик ва ворисийлик, ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини қайд этган.

Хуллас, бу каби мисоллар аждодларимизнинг касб танлаш назариясини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшганидан далолат беради. Умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш жараёнида аждодларимизнинг бой илмий меросидан унумли фойдаланиш ижобий самара бериши шубҳасиздир. Қолаверса, касб-хунарга коллежларида ҳар бир касб ва хунарга бўйича аждодларимизнинг бебаҳо фикрларини келтириб ўтиш ўқувчиларнинг айнан шу касбга меҳрини янада оширади.

Н.ШОДИЕВ,
СамДУ профессори,
педагогика фанлари доктори

САНЪАТ ГУЛШАНИНИНГ ЧЕЧАКЛАРИ

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори доирасида Қашқадар вилоятида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Миришкор туманидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 2011 йилда замонавий меъморчилик лойиҳаси асосида қурилиб фойдаланишга топширилгани бунга мисол.

Айни кунда 173 нафар ўғил-қиз ўзбек халқ чолғулари, дамли ва зар-

бли чолғулар, амалий санъат, анъанавий хонандалик, эстрада хонандалиги, тасвирий санъат, хореография, торли чолғулар каби ўнга яқин йўналишлар бўйича маҳоратли устозлардан сабоқ олишмоқда.

— Яқкабоб туманининг Ишкент қишлоғида туғилганман, — дейди мактаб директори Ҳанифа Тилова. — Мусиқа ва санъатга ёшлигидан қизиққанман. Болалигимда уйимизда бир дутор бўларди. Отам дутор чертганда жон қўлогимиз билан эшитардик. Шунданми, санъатга ҳавас юрагимда жуда эрта уйғонган. Ўша кезларни томга чиқиб олган, дутор чертиб қўшиқ айтсам, қўшнилари ота-онамга "Қизингиз кел-

лажақда албатта санъаткор бўлади", дердилар. Шу орзум сабаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультетида ўқиганман. Мана, қарийб йигирма йилдирки, мазкур мусиқа масканида раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Бугун ёшлар учун яратилган шарт-шароит, қулайликларни таърифлашга тил ожиз. Шунинг учун ҳам фарзандларимиз эришаётган ютуқларнинг салмоғи катта.

Мактабда "Устоз—шогирд" аънавалари асосида Чори Маратов, Пўлат Раҳимов, Зафар Соҳибов сингари кўп йиллик иш тажрибасига эга ўқитувчилар ёш ўқитувчилар-

ни "мураббийлик соатлари"га жалб этиб келишмоқда.

Мусиқа ва санъат мактаби фаолияти билан қисқагина танишиб, ортага қайтар эканмиз, доира ва рубоб жўрлигида таралаётган майин мусиқа оҳанги юракларга ажайиб бир неқбинлик бахш этди. Бугунги дориломон кунларимизда болажонларимиз яратиб берилган қулайликлардан оқилона фойдаланаётганининг гувоҳи бўлиб, санъат гулшанида гўнча очаётган бугунги чечаклар кун келиб чаманзорга айланишига умид қилдик.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

2014-yil 12-noyabr, № 91 (8740)

КУЗГИ ТАЪТИЛ БЕСАМАР ЎТМАДИ

Бир соатда Ер юзини айланиб чиқа олмасизми? Бунинг имкони йўқ, дейишга шоянманг. Албатта, иложи бор. Бунга Зангиота туманидаги 34-мактабнинг география фани ўқитувчиси Машкура Аҳмедованинг ташаббуси билан уюштирилган саёҳат чоғида амин бўлдик. Айна таътил бўлишига қарамай, 6—8-синф ўқувчиларидан бир гуруҳи ва синф раҳбарлари ўзМунинг география факультетига экскурсия қилишди. Факультет эшиги ёнида бизни "Геодезия, картография ва кадастр" кафедраси мудири, география фанлари номзоди Асомиддин Эгамбердиев кутиб олди ва дунёдаги энг ноёб глобусни томоша қилиш учун ичкарига таклиф этди.

Ўқувчилар билан бирга аудиторияга кириб борарканмиз, кўзимиз Ер шарининг улкан ва ажабтовур макетига тушди. Болалар хайрат ва завқ билан глобусни айланиб томоша қилишар, кўзларидан кувонч учкунни устозларига ҳам кўчганди. Уларни кузатиб, бу саёҳат беиз кетмаслигига амин бўласан киши.

Ноёб глобус профессор Ҳамидулла Ҳасанов ташаббуси ва ғояси билан ясалган. Айрим манбаларда "Тошкент глобуси" деб ҳам аталади.

— Глобус катта аниқликда ясалган бўлиб, масштаби — 1:7000000, яъни 1 см масофа Ер юзасида 70 км.га тўғри келади, — дейди доцент Шавкат Шарипов. — Икки нукта, масалан, иккита шаҳар орасидаги масофа сантиметр ҳисобида ўлчаниб, 70га кўпайтирилса, ҳақиқий масофа километрда келиб чиқади. Бу глобусда тоғ ва чўқиларнинг баландлиги, дарёларнинг узунлиги, кўлларнинг чуқурлигини

ёхуд Ер шарни бўйлаб «саёҳат»

ҳам аниқ-тиниқ ўлчаш имкони мавжуд. Рельеф бўртма усулда кўрсатилган бўлиб, глобуснинг энг ноёб жиҳати ҳам шу. Жаҳонда бунақаси бошқа йўқ. Оғирлиги 490 кг, баландлиги 2,5 метр, диаметри 2 метрга яқин. Ер юзи Коинотдан қандай кўринса, глобусда ҳам шундай тасвирланган.

"Тошкент глобуси"ни томоша қилиш учун дунёнинг кўпгина давлатларидан саёҳатчилар ва талабалар тез-тез келиб туришади. Болалар ундан Ватанимизнинг қаерда жойлашганини топиб, кувончдан қийқириб юборишди.

Университет бўйлаб саёҳат, кафедралар фаолияти билан танишиш, профессор-ўқитувчилар билан учрашув ўқувчиларда ўзгача таассурот қолдиргани шубҳасиз. Қайсидир ўғил-қизнинг қалбида мана шу даргоҳ талабаси бўлиш орзуси

уйғонган бўлса ҳам ажаб эмас. Айниқса, Асомиддин Эгамбердиев ва бошқа олимлар яратган Ўзбекистон Республикасининг турли йўналишдаги хариталари, география фанига доир қўлланма ва китоблар, янги глобуснинг мактаб фондига совға қилиниши ўқувчилар учун қўлланма хушхабар бўлди.

— Кувончим ичимга сиймаяпти, — дея ҳис-ҳаяжонини баён қилди Машкура Аҳмедова. — Мана бу китоб ва қўлланмалар, харита ва атласларнинг айримларини қанча

Bo'sh vaqt — xush vaqt

қидириб топа олмагандик. Ўқитувчи учун энг катта бойлик ҳам, албатта, китоб бўлса керак. Бу қўлланмалар ёрдамида дарсларимизни янада қизиқарли ва жонли тарзда ўқишга ҳаракат қиламиз. "Тошкент глобуси"ни кўргани олиб бораман деб ўқувчиларимга анча олдин ваъда берган эдим. Саёҳатни айнан таътил кунлари уюштирдик. Болаларнинг кўзларидан кувонч кўриб, бу ерга олиб келиб хато қилмабман, дея ўйладим.

Ўқитувчининг айтишича, улар таътил кунлари "Хайвонот боғи" ва "Ботаника боғи"га ҳам боришибди. Қўлидаги оппоқ қоғозга устозлардан эшитган маълумотларни шоша-



пиша ёзаётган қизалоқнинг таассуротлари билан қизикдик.

— Бугунги саёҳат ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди, — дея ҳаяжонлиниб гапира бошлади 6-синф ўқувчиси Муниса Ҳамидуллаева. — Улкан глобусни кўриб хайрон қолдим. Бўртма тарзда берилган тоғлар, қир-адирларни ушлаб кўриб, гўё Коинотдан туриб Ерни ўз кўзим билан кўргандек, бутун оламни кезиб чиққандек бўлдим.

Ким билсин, олам-олам тассуротлар билан янги чоракни бошлашга шайланган бу қорақўзлар орасидан келажакда буюк кашфиётчилар етишиб чиқар...

Райҳона ХҲАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Биламан, сизда ҳам қамиди битта мобил алоқа воситаси бор. Телефон аппарати ҳаётингизнинг бир қисмига айланган. Нега дейсизми?! Чунки унга бог-либ қолгасиз! Йў-э, деб инкор қилмоқчисиз? Бир кунга телефонингизни уйда қолдириб, кўчага чиқинг-чи!... Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас қанчалар ўрганиб қолганингизни аниқлайсиз. Бугун деярли ҳамма жойда айнан телефоннинг зарари ҳақида ҳам бонг урилмоқда. Лекин ёнидаги «дастурдан ҳеч қачонки воз кечгиси йўқ. Энди тасаввур қилинг, бирор машғулот билан банд бўлганингизда мобил телефонингизга SMS хабари келди, табиий, қизиқиб, ўқийсиз. Чунки унда муҳим хабар бўлиши мумкин. Бирок шундай SMSлар ҳам борки, кишини таҳликага солади, кайфиятингизга салбий таъсир кўрсатади.

Даъват ва таҳлика, хавотирга солиш матн маъносидан уфуриб туради. Масалан, бундай SMSларга кўзингиз тушгандир: «Агар бу SMSни 10та яқин кишингизга ҳозир юбормасангиз, жуда катта бахтсизликларга учрайсиз. Мабо-до, бу SMSга эътиборсиз бўлсангиз омад сизни тарк этади». Шу мазмундаги номагарни деярли ҳар кун кўраверганимиздан, уларга одатланиб, ҳатто бепарво бўлиб қолганмиз.

Таассуфки, борган сари мана шу руҳдаги SMS мактувлар кўпаймоқда. Айрим SMSлар кишини бирор янги режалар қаршида турганда иккилантириб, хатта эътибор қилишга, бошқаларга юборишга ундайди. Худди шу мазмундаги SMSларнинг талаба бўлиш орзуидаги, китобдан бош кўтаролмайдиган абитуриентлар учун аталганлари ҳам бор. SMS юборувчилар билан, бу вақтда абитуриентда ишонувчанлик ҳисси, атрофдагилардан умидвор-

SMS НАЙРАНГИ

лик, мўъжизага ишонч ва қизиқувчанлик жуда юқори бўлади. Бу эса кимларгадир иқтисодий манфаат келтирувчи SMSларнинг тарқалишига, қайсидир маънода замин яратади.

Сарвиноз МАҲРАМОВА, абитуриент:

— Менга ҳам «...10 та яқинингизга юбормасангиз...» мазмундаги SMSлар яқин дўстларим ва танишларимдан тез-тез келиб туради. Баъзан «... агар бу SMSни ўчириб ташласангиз, фалокатга дуч келиб, бир умр абитуриент бўлиб қолиб кетишингиз мумкин» қабилидаги хабарлар келиб туради. Ишонмаганим сабабли уларни дарҳол ўчириб ташлайман. Бекорчи гаплар инсон тақдирини ўзгартира олармиди?! Ҳар доим инсон фақат ўзига ва ўз кучига ишониши керак деб ўйлайман.

Қанийди, ўқишга тайёргаллаштирилганнинг ҳаммаси

шунақа ўйласа. Афсуски, бундай SMSлар тузоғига илинганлар орасида ўқувчи ва талабалардан ташқари, катта ёшлар, ҳаётий тажрибага эга зиёлилар ҳам топилади. SMSлардаги сўзларга эътибор берсак, улар асосан мажбурловчи оҳангни акс эттирган. Айрим жумлаларни ўқиб, хайратдан ёқа ушлайсиз: «...агар ушбу хабарни бефарқ қолдириб, 20та яқинларингизга юбормасангиз, улардан айрилишингиз мумкин».

Қандай қилиб, шу оддий нарсани ўйлаб туриб, бизга етиб келган хабарнинг амрига қул бўлсак?! Агар юборилаётган хабарда фойда кўринса, ундан бирор билим ўрганиш мумкин бўлса, яхши. Лекин бошқаларга юборилмаса, унинг оқибатларини тахмин қилиш ё айтиш — бировнинг дилини оғритиш динимизда йўқ.

Ўртимизда диний маълумотларни, хоҳ у китоб, кўрсатув, эшиттириш, диск

бўлсин, тарқатиш тартиби қонунда белгиланган. Бу меъёرنинг мавжудлиги нотўғри нарсалар тарқалмаслигининг олдини олади, албатта. Шунингдек, бу каби SMSларда мана бу мусиқани телефонингизга ўрнатинг қабилидаги номалар ҳам келиб туради. Уларнинг ўрнига ҳам фойдали хабарлар, масалан, ўзбек халқ мақолларини, аждодларимизнинг ҳикматли сўзларини ё «Қарияларга ҳурматда бўлинг!», «Шаҳримиз озодлигига ўз ҳиссангизни қўшинг!», «Табиатни асранг!» каби яхшиликка чорловчи гапларни юбориш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди.

Даъваткор хабарчалар ҳар доим ҳам шунчаки, мақсадсиз ёзилмайди. Уларнинг замирида яна бошқа истаклар ҳам борлигини англашимиз қийин эмас.

— Менга ҳам шунақа SMSлар келганида бошида

Ogohlik — davr talabi

қизиқишдан танишларимга юбориб кўргандим, — дейди тадқиқотчи Висола Қаршибоева. — Лекин орадан бироз вақт ўтгач, алданганимни билиб эътибор бермай қўйганман. Афсуски, уларни таққиллаб бўлмайди. Назорат қилишнинг ўзи ҳам катта муаммо. Бу SMSларнинг айланишидан уяли алоқа тармоқларининг моддий манфаатдорлиги борлигини бир неча яқинларимга юборишим билан тушуниб етганман. Шунингдек, эътиборимни тортган нарсас — SMSларда манипуляция, яъни инсон онгини бошқариш жиҳати ҳам бор экан. Тадқиқот ишим шу йўналишдалиги боис иқтисодий, психологик таъсирини ўрганиб шу хулосага келганман. Айниқса, ёшларни бу усул билан бошқариш имконияти кенгрок. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, аввало, оилада ота-оналар томонидан, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим муассасаларида устозлар, мутахассислар ёшларга тушунтириш ишлари олиб боришлари керак. Шунда фарзандларимизда ҳар хил ёлғон хабарчаларга нисбатан иммунитет пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, ҳозир бу ҳолат кўзга кўринмасдек туюлса-да, вақти келиб катта муаммага айланиши мумкин. Шундай экан, SMS найрангларига учмай, хушёр бўлиб, ҳақиқат ва ёлғонни ажрата билсак, мақсадга мувофиқдир.

Дилдора ТОҶИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

— Дада, сиз аниқ фанлардан аъло баҳога ўқигансиз-а? Бўлмаса, муҳандис бўла олмасдингиз-ку, тўғрими?

— Ҳа, она қизим. Нега сўраясан?

— Бугун биз информатика дарсида «алгоритм» тушунчасини ўргандик. Бироқ алгоритм нималигини аниқ тасаввур эта олмаялман. Шунинг учун уйга вазифанг бажаришга қўйнала-япман.

— Хўш, дарсда ўқитувчинг нималар ҳақида гапирди? Мавзунинг айнан қайси қисмини ўзлаштиролмаяпсан?


— Устоз дарс аввалида мисол берди. Унда 4та математик

лаётган, сенинг фикрларингни темир қурилмага «таржима қилиб бераётган» ҳам алгоритмдир. Телефон, планшет, компьютер дейсанми, юксак технологияларнинг барча турлари махсус дастуриламал — алгоритм асосида ишлайди. Алгоритм тушунчаси бундан қарийб 12 аср олдин пайдо бўлган бўлса-да, бугунги рақамли технологияларнинг негизидир. Олдин алгоритм алгебра доирасида қўлланилган бўлса, XX аср охири ва XXI аср бошидаги виртуал оламнинг «тарихи» сифатида намоён бўлди. Сўнгги йилларда анъанавий дастурлаш тилларига қараганда бир неча

ритм тузишдан бошлаш зарур. Алгоритм ижодкорликка етаклайди, янги фикр ва ғояларни амалга оширишга йўл очади. Исталган масалани ечиш учун махсус алгоритм ишлаб чиқиш талаб қилинади. Алгоритмнинг мавжуд эмаслиги масала ечимининг ҳаттолиги ёки йўқлигини билдиради.

— Демак, мен бирор дастурий маҳсулот, масалан, мобиль илова ёки янги сайт яратмоқчи бўлсам, алгоритм нималигини ва уни тузишни билишим керак экан-да!

— Ҳа, албатта. Масалан, ҳар кун чой қайнатганимга ўз ишининг кетма-кетлигини би-




АЛГОРИТМ — МАҚСАДЛИ ҚАДАМЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ

амал ҳам бор эди. Биз мисолни ечиб бўлгандан кейин устознинг ўзи уни ишлаб кўрсатди. Хато-ларимизни тўғирлади. Агар математик амаллар кетма-кетлиги амал қилмайдиган бўлса, натижа хато чиқишини ўқитди. Зарур натижага эришишга олиб келадиган амалларни кетма-кет бажаришни талаб этадиган қоидалар информатикада «алгоритм» дейилишини айтиб ўтди.

— Шу ўринда қўшимча қилиб кетай. Алгоритм нафақат информатика, балки алгебра, кибернетика, техника, механика каби фан ва соҳаларнинг ҳам асосий тушунчаларидан бири. Алгоритм атамасини ҳаётимиздаги босқичма-босқич амалга оширилувчи қўллаб жараёнларга нисбатан ҳам қўлласак бўлади. Муаллим алгоритмнинг қандай пайдо бўлганини гапириб бердимми?

— Ҳа, аввал биздан бу ҳақида сўради. Синфимизнинг энг аълочи ўқувчиси Уққун алгоритм тушунчаси алгебранинг отаси, буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмий номидан келиб чиққани, унинг машҳур «Ал-жабри вал-муқобала» асарининг тарихий аҳамияти билан боғлиқлиги ҳақида гапирди. Ўқитувчимиз алгоритм тушунчаси IX асрда пайдо бўлганини ҳам тасвирлади. Ал-Хоразмий дунёда биринчи бўлиб кашф этган умумий квадрат тенгламани ечиш қоида, яъни квадратга ошириш, квадрат ildiz чиқариш каби амалларни бажариш кетма-кетлиги қоидаси алгоритм деб аталган экан. Дафтаримга қуйидагича консепт қилдим: «Алгоритмдаги ҳар бир кўрсатма бирор-бир амални бажариш ни кўзда тутди. Урта асрларда санокнинг ўнли тизими бўйича турт арифметик амал бажариладиган қоидаи алгоритм деб аташган. Ҳар қандай алгоритм бу амалларни белгилловчи қоида бўлиб, уларнинг занжири натижасида изланган натижага келинади. Бундай амаллар занжири алгоритмик жараён, ҳар бир амал алгоритмик қадам дейилади». Ҳозир менда алгоритм нима деган саволга маҳумурок бўлса-да, жавоб бор. Аммо алгоритм ҳаётимизда нега зарурлигини билмаялман.

— Алгоритмнинг фан тараққиётини ва бугунги замонавий технологиялар ривожини ҳам тасаввур қилиб бўлмасди. Алгоритм қўйилган масалани ечиш учун кетма-кет бажариладиган жараёнлар мажмуи. У ҳозирги замон ахборот технологияларининг асоси. Алгоритм инсон ва замонавий технологиялар орасидаги алоқа воситаси. Айни кунда мобиль телефоннинг билан мулоқот қилишни таъмин-



марта бой ва қулай бўлган, объектга йўналтирилган дастурлаш технологиялари тақдир этилмоқда. Бу технологияларнинг охириги намуналари аввалгиларига қараганда мукамаллашиб, ўзидан Интернет, тармоқлар, анимациялар ва маълумотлар базалари билан ишлаш каби янги имкониятларни муҳассамлаштирди. Замонавий компьютерлардаги 1 бит дегани улардаги хотиранинг каттачаси бўлади. Унга 0 ёки 1 сони жойлашади. Рақамли оламда ҳамма ахборотлар, у аудио бўлади, видео, сурат ёки матн бўлишидан қатъи назар, улар фақат 0 ёки 1 рақамлари билан белгиланади. Уларнинг ётасининг махсус кетма-кетлиги битта сон ёки ҳарфнинг мониторда акс этишини таъминлайди. Масалан, 2 сонини ифодалаш учун 00000010 сони компьютерга жойланади. Мана шу тарзда киритилиши ҳам алгоритмлар тузилиши натижасидир.

— Дастурлаш ва алгоритмнинг қандай алоқаси бўлиши мумкин?

— Бугунги кунга келиб, дастурлаш тилларини ўрганувчиларда ҳам «алгоритм тушунчаси керак эмас, унинг дастурлаш билан алоқаси йўқ» қабилидаги тасаввурлар пайдо бўлмоқда. Улар масалаларни ечиш босқичлари, алгоритм қуришининг йўл-йўриқлари билан танишмасдан туриб, дастурлаш соҳасига киришга ҳаракат қилишади. Натижада, дастурлаш тилларида кўзда тутилган қонун-қоидалар, буйруқлар тизимини шунчаки ёдлаши мумкин, аммо аниқ қўйилган масала учун дастур ёзишда катта қийинчиликларга дуч келишади. Замонавий объектга йўналтирилган дастурлаш тилларида асосий эътибор алгоритм тузишга эмас, балки маълумотлар тузилишига қаратилади. Шундай бўлса-да, ёш дастурчилар дастурлашни алго-

ласан: дастлаб чойнакка сув соласан, кейин гўгурт чақасан, бурагични тоблаб газни очасан, плитага чойнакни қўясан, у қайнагунча кутиб, газни ўчирасан. Худди шу каби дастур қуришда ҳам буйруқлар кетма-кетлигини сен кутган натижа юзага чиқаради. Унда қайсидир босқич қилиб кетиши мумкин эмас. Акс ҳолда, темир қурилмалар нима истаётганини тушунмайди. Масалан, веб-саҳифага материал жойлаштириш жараёнида янги қатордан матн берилишини ифодаловчи, матн ёки суратнинг ҳаракатлиб туришини таъминловчи, ҳаракатнинг ўнг, чап ёки тепа ва пастанда бошланганини белгилловчи буйруқлар берилади. Уларнинг ҳаммаси киритилмаса, ўша веб-саҳифада кутган натижа келиб чиқмайди. Бугун ҳатто сендан бироз катта ака-опаларинг ҳам дастурий маҳсулотлар яратишмоқда. Компьютер иловалари, ҳар хил миллий компьютер ўйинларини ишлаб чиқётган ёшлар дастурлаш тилини ўрганишдан олдин алгоритм тузишни ўзлаштиришган.

— Англашимча, алгоритм жуда кенг тушувчи. Унинг турлари ҳам мавжудми?

— Фанда «Евклид алгоритми», «Улуғбек алгоритми», «Бернулли алгоритми», «Ньютон алгоритми», «Фиёсиддин Қошиқ алгоритми», «Лаурея алгоритми», «Марков алгоритми» деб аталувчи алгоритмлар маълум. Алгоритм тушунчаси кенгайиб бориб, алгоритмлар назарияси пайдо бўлди.

— Ҳаётда кетма-кетликда бажарилувчи, қоидаларни талаб этувчи ҳаракатлар кўп-ку. Уларни ҳам алгоритм деб номласа бўладими?

— Тўғри тафаккур қилаялсан. Дастлаб алгебрада, кейин ҳисоблаш машиналари, сўнгра компьютерда ишлатилаётган алгоритм қоидалари ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатил-

моқда. Масалан, транспортда юриш қоидаси алгоритмлаштириш натижасидир.

— Дастурлаш тиллари ҳақида гапирган эдингиз-ку боя. Уларни алгоритмик тил деса бўладими?

— Ҳа, албатта. Компьютер ва бошқа юксак технологиялар билан муомала қилиш учун 500дан ортиқ алгоритмик тиллар яратилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам бирор масала ечимини алгоритм қўринишида ёзишга имкон берадиган дастур тузиш тили алгоритмик тил деб номланган. Алифбонинг баъзи ҳарфлари ёки тишиш белгилари, сонлар алгоритмик тилнинг тимсолари бўлиши мумкин. Сўз, гап, жадвал ва бошқа ифодалар алгоритмик тилнинг қурилмаси ҳисобланади. Бундан 20 йиллар аввал компьютерга мурожаатда Basic, Pascal, Fortran каби дастурлаш тиллари, Foxbase, Karat каби маълумотлар базасининг бошқарув тизимлари мавжуд бўлган. Бу тил ва тизимлар асосан компьютерларнинг илк қўринишлари ҳисобланган IBM286, IBM396 ва IBM486 компьютерларига мўлжалланган эди. Бу тилларнинг асосий камчиликлари компьютерларнинг имкониятларига мослиги эди. Ушбу тилларда буйруқлар етарли бўлмади, уларда товушли, графика, анимацион ахборотлар билан ишлаш имкони чекланган. PENTIUM типдаги компьютерларнинг дастлабки авлодлари пайдо бўлиши билан, уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда юқорида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган янги дастурлаш тиллари яратила бошланди, эски дастурлаш тилларининг визуал намуналари ишлаб чиқилди. Масалан, DELPHI, VIZUAL BASIC, VIZUAL CL. Уларни бугунги замонавий компьютерларнинг Windows операцион тизимида қўллаш, содда илова мураккаб маълумотлар базаси, интернетда ишлаши учун дастурий таъминот яратиш мумкин. Компьютернинг имкониятларидан фойдаланишда алгоритмик тил муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда эса Java, C++ тиллари оммавийдир.

— Мен ҳам бирорта дастур яратсам бўладими?

— Ҳа, бу қўлингдан келади. Аввало математик мисоллар учун алгоритм тузишнинг керак. Кейинчалик дарс давомида устозинг алгоритмик тиллар ҳақида тушунча беради. Бирорта объектга йўналтирилган алгоритмик тили ўзлаштирсанг, дастур тузишнинг уddасидан чиқасан.



— Сиз бир неча марта қўллаган «объектга йўналтирилган», деган жумлани тушунмадим. У нима дегани?

— Оддий тил билан айтсак, бу «ривожланган» алгоритмик тилдир. Олдин ишлатилган Паскал дастурлаш тилида бир неча ўнлаб буйруқлар ёрдамида ҳал қилинадиган масалани объектга йўналтирилган C++ тилида биттагина кўрсатма орқали ҳал қилиш мумкин. Замонавий алгоритмик тилларда тайёр шаблонлар ҳам мавжуд бўлиб, иш жараёнини осонлаштиради.

— Бугун ҳам аждодларимиз мероси аҳамиятини йўқотмагани, аксинча янада сайқалланиб, ҳозирги ривожланишнинг асоси бўлиб турганини кўрдим.

— Албатта! Уйга вазифанг нима эди? Уни бажаришга ёрдам керакми?

— Фанда ёки ҳаётий тажрибада қўлланилувчи алгоритмга мисол топиб келишимиз керак эди. Уни топиш энди қийин эмас. Алгоритм дастурлаш ва информатиканинг асоси эканини билиб олдим.

— «Дастур» ва «Алгоритм» сўзлари деярли синонимдир. Уларнинг фарқи алгоритм деганда бирор-бир дастур ҳақидаги ғоянинг тузилиши, дастур эса ўша алгоритмнинг дастурлаш тилида ифодаланишидир. Сенда алгоритмга қандай мисол бор?

— Йўловчилар ўтиш жойида йўлгача бориш, сфетофоннинг қизил чироғи ёнишини кутиш, йўлдан ўтиш, агар яна олдимизда йўл бўлса, унда яна биринчи қадамдан бошлаш алгоритм экан.

— Алгоритмнинг яна бир хусусияти унда аниқлик, тугалланганлик, оммавийлик бўлиши керак.

— Биз ҳаётимиз давомида қўллаб алгори́тмларни тузиб, уларни амалга ошира олар эканмиз. Олдимизга қўйилган ҳар бир мақсад биз учун масала ва уни ҳал этиш босқичларини ўзимиз белгилаймиз. Бу борадаги тартибни бузсак, алгоритм сўнгидиги натижа юзага чиқмайди, кўзлаган манзилимизга етолмаймиз.

— Буюк аждодларимизнинг ўлмас мероси сенга дастурлашнинг эмас, орзуларинг томон мақсадли қадам ташлашни ҳам ўргатади.

— Энди ҳаммасини тушундим, сизга катта раҳмат, дада!

2014-yil 12-noyabr, № 91 (8740)

ЮРАКНИНГ ҲАМ ЎЗ ИММУН ТИЗИМИ МАВЖУД

Маълумки, юрак тўқимасидаги макрофаглар одатий иммун ҳужайраларидан тубдан фарқ қилади. Улар нафақат юрак тўқималарини ташқи инфекциялардан ҳимоя қилади, балки мазкур орган шикастланганида тўқималарнинг қайта тикланишига ҳам ёрдам беради. Олимлар макрофагларнинг ноёб хусусиятларини аниқлаш мақсадида тажриба ўтказишди: янги туғилган сичқоннинг юрагини кесиб етказилган жароҳат ўрни тезда битиб кетганига гувоҳ бўлишди. Аммо каттароқ сичқонда худди шу тажриба ўтказиб кўрилганда бундай ҳолатнинг акси кузатилди, яра ўрнида катта чандиқ пайдо бўлди. Бу ҳоли қандай изоҳлаш мумкин?

Техаслик олимлар ёш кемирувчилар юрагида регенерация даражасининг юқори бўлишига сабаб, улар катта ёшли кемирувчиларнинг юрагидан иммун тизими тузилиши билан фарқ қилишини таъкидлашмоқда. Катта ёшли сичқонларнинг иммун ҳужайралари ва макрофаглар суяк илгида пайдо бўлиб ривожланади. Ёш сичқонларда эса макрофаглар эмбрионал ривожланиш даврида муайян ўзига хос органларда пайдо бўлади. Шунингдек, улар "катта макрофаг"лардан фарқли ўлароқ, зарарланган тўқималарни қайта тиклашга ҳам хизмат қилади. Изланувчилар юрак ва суяк илгидаги макрофаглар таркибига кўра, CCR2 деб номланган оксилнинг мавжудлиги билан фарқ қилишини аниқладилар. Юрак иммун ҳужайраларида эса бу оксил мавжуд эмас.

Суяк илги макрофагларида CCR2 оксиллари фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан бир вақтда юракка жароҳат етказилса, мазкур орган ўзини ўзи тезда тиклаш хусусиятига эга бўлади. Ушбу маълумотга асосланиб, олимлар беморнинг юраги тўхтаб қолгандан сўнг унинг фаолиятини қайта тиклашга самарали таъсир қилувчи дармондорини яратишга уринишмоқда. Бу борадаги қатор тажрибалар таркибиде CCR2 оксиди мавжуд бўлган ингибит препаратлар ревматоидли артритни даволашда сибаб кўрилмоқда. Лекин бир нарсани аниқ, олимларда юрак жароҳатланганида унинг фаолиятини қайта тикловчи самарали формула мавжуд. Бу маълумот тадқиқотларни давом эттириб, янги дори воситаси яратилишига умид уйғотади.

КУЗАТУВ КАМЕРАСИ ҚОРОНГИЛИКДА ҲАМРАНГЛИ ТАСВИРГА ОЛАДИ

Япониянинг «SHARP» компанияси зим-зиё шароитда ҳам воқеаларни видео тасмасига ёзиб олиш имконини берувчи кузатув камерасини сотувга чиқарди. «Sharp LZ0P420A» инфрақизил камера атрофи нол даража ёруғликдаги объектларни ҳам рангли тасвирга олиш хусусиятига эга дастлабки кузатув камераси ҳисобланади, деб ёзади «Pcworld» нашри.



Янги камера инфрақизил нурга яқин диапазонда ишлайди. 1,3 мегапикселли камера сониясига 30 та кадр олишга мўлжалланган. «Sharp LZ0P420A» камераси кузатилаётган объектларнинг табиий рангини қайта тиклаш учун спектрдаги инфрақизил нурга яқин тасвирларни таҳлил қила олади, дейди компания вакили Миюки Накаяма. Янги турдаги CCD чипни яратишда Япония миллий институти (AIST)да кўп йиллар рангли кузатув камераси устида изланиш олиб борган мутахассисларнинг меҳнати сингган.

«Sharp»нинг ўзига хослиги шундаки, янги камера стандарт ҳажмга эга бўлиб, оғирлиги 940 граммга тенг. Бошқа кузатув камераларидан фарқли ўлароқ, инфрақизил кузатув мосламасидан тунда ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёти, яшаш шароитини сурагга олишда, ҳужжатли фильмлар яратишда фойдаланиш мумкин. Махсулот ноябрь ойи сўнгига Японияда сотувга чиқарилиши режалаштирилмоқда.



ДЕПРЕССИЯ ИЧКИ ТУЙҒУНИ СУСТАЛАШТИРАДИ

Хильдесхайм университети (Германия) олимлари депрессиядан азият чекаётган 30 бемор ва 27 соғлом киши иштирокида тадқиқот ўтказишди. Бунинг учун мутахассислар учта сўзни талаффуз қилиб, иштирокчилардан 3 сония ичда айтилган сўзларга маъно жиҳатидан мос келадиган тўртинчи сўзни айтишни сўрашди.



Мисол учун, тадқиқот мобайнида "кўпик", "чуқур", "тўз" сўзлари танлаб олинди. Бундай ҳолатда кўнгиллилар ҳар учала сўзни боғлаб турган тўртинчи сўз — "денгиз"ни айтишлари лозим эди. Тадқиқот давомида иштирокчилар томонидан кўп тахминлар бўлавергани боис тўртинчи сўзни айтишлари учун қўшимча яна саккиз дақиқа қўшиб беришга тўғри келган ҳолатлар ҳам бўлди. Айрим вазиятларда эса қатнашчилар маънодан келиб чиққан ҳолда навбатдаги сўзни тахмин қилишган бўлса ҳам, уни қандай сўз билан ифодалашни билмай иккиланиб қолишди. Бу ички интуициянинг фаоллашганидан далолат беради.

Мутахассислар депрессияга тушган ҳамда соғлом инсонларнинг тўғри ёки нотўғри жавоблари сонига эмас, балки ҳар иккала гуруҳнинг жараёнда диққатли бўлиб, фаол иштирок этганига эътибор қаратишди. Шундай бўлса-да, олимлар депрессия ҳолатида нотўғри жавоб кўп бўлганини таъкидлашмоқда.

Одина ҚУЛМУРОВА тайёрлади.

ЁНҒИН — ЙЎҚОТИШ ДЕМАК

Қурилиш, бунёдкорлик ишлари эҳтиёткорлик, айниқса, ёнғин хавфсизлигига амал қилишни талаб этади. Хавфсизлик қоидаларига риоя этиш орқали қурувчилар ҳаётига, мол-мулкка бўладиган таҳдидларнинг олди олинади.

Қурилиш-монтаж жараёнидаги пайвандлаш ва детал сиртларини қоплаш юқори хавфсизликни талаб этадиган ишлар қаторига кириди. Электр пайвандлаш ишлари 18 ёшга тўлган, шу касб бўйича махсус ўқув

курсларини ўтаган, хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномалардан хабардор ҳамда тиббий кўрикдан ўтган кишиларга рухсат этилади.

Қурилиш ташкилотлари мутасаддилари пайвандлаш ишини бажариш жараёнида пайвандчини турли хавфлардан ҳимоялаш мақсадида махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ва ишончли иш қуроллари билан таъминлаши зарур. Пайвандлаш ёппқ бинода ўтказилганда шамоллатиш қурилмалари ўрнатилиши,

асбоб-ускуналарнинг созлиги ва электр энергиясига уланishiга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Шубҳасиз, ҳар қандай ёнғин бу йўқотишдир. Ёнғин оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги ёки жароҳатдан бир умр ногирон бўлиб қолмаслиги учун барчамиз электр энергияси, газ ва оловдан эҳтиёткорлик билан фойдаланишимиз зарур.

С. ЖУМАНОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ
катта инспектори

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бўш (вакант) ўринларга доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

Табиий география; назарий ва таъбиқий механика; Ўзбекистон тарихи; ўзбек адабиёти ва матншунослик кафедралари доцентлигига.

Геофизикавий тадқиқот усуллари ва гидрогеология; иқтисодиёт назарияси; информатика ва таъбиқий дастурлаш; тил назарияси ва амалиёти; жаҳон адабиёти; инглиз тили; жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчилигига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширганилиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
7. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, кадрлар бўлими. Тел: 246-03-92



Покистон жанубидаги Синд провинциясида Сват округидан Карачи шаҳрига йўл олган сай-ёҳлик автобуси ҳайдовчиси йўлнинг тор қисмида бошқа автомобилларни қувиб ўтиш учун тезликни ошириши ва бошқарувни йўқотгани оқибатида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасидан 56 киши, жумладан, аёллар ва болалар ҳалок бўлган ва яна 25 киши тан жароҳати олган.

Багама ороллари ҳукумати пойтахт Нассаудан Фрипорт шаҳрига йўл олган ҳамда Катта Багама оролига қўнишга уриниш чоғида кема қурувчи ускунага тегиб кетиб, ҳалокатга учраган ҳусусий «Lear 36» реактив самолёти бортидаги тўққиз кишининг барчаси ҳалок бўлганини тасдиқлади.

Жорий йил 24 октябрда АҚШнинг Мэрисвилл шаҳридаги мактаблардан бирида 15 ёшли Жейлен Фрайберг уюштирган отишмада жароҳат олган, жиноятчининг қариндош тенгдоши Эндрю Фрайбергнинг шифохонада ҳаётдан кўз юмиши билан қурбонлар сони 4тага етгани маълум қилинган.

Ҳиндистоннинг Сураат шаҳрида «SpiceJet» компаниясига тегишли «Boeing 737» йўловчи самолётининг ҳавога кўтарилиш вақтида учиш-қўниш йўлидаги ўтлаб юрган сигир билан тўқнашиб кетиши натижасида шикастланганига учувчининг қоронғилик туфайли жониворни кўрмай қолгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Нигериянинг Йобе штатида жойлашган Потискум шаҳридаги ўрта мактаблардан бирида ўқувчилар мактаб директори нутқини тинглаётган вақтда содир бўлган портлаш оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмган ва 30 дан зиёд киши жароҳатланган.

ТУЗАТИШ

«Ma'rifat» газетасининг 2014 йил 21 июндаги 50-(8689) сониде «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010-, 2012- ва 2013-йилларда берилган дарсликлари 2014 йилда утилизацияга топшириш рўйхати» тўғрисидаги эълоннинг таълим қирғиз тилидаги 9-синф дарсликлари рўйхати қуйидаги қўшимча билан ўқилсин:

Т/р		Дарслик ва ўқув қўлланма- лар номи	Муаллифлар	Нашр этил- ган йили	Оғир- лиги (гр)
468	18	Немис тили	М.Дадаходжаева ва б.	2010	239,00

Гурунг

ЯХШИИ СЎЗ ~ САДАКА

Аччиқ тил — захри илон,
Чучук тилга — жон қурбон.

* * *

Беморга ширин сўз керак,
Ақлсизга — кўз.

* * *

Бугдой нонинг бўлмасин,
Бугдой сўзинг бўлсин!

* * *

Дорининг аччиғи яхши,
Сўзининг — ширини.

* * *

Ёмон тил бошга бало келтирар,
Яхши тил давлат, дунё келтирар.

* * *

Ёмон гап бошга бало келтиради.

* * *

Илиқ сўз — шакар,
Совуқ сўз — захар.

* * *

Мазали сўзга қулоқ чарчамас.

* * *

Ош-тововинг керак эмас,
Қош-қововинг керак.

* * *

Пулнинг бўлмаса, бўлмасин,
Ширин сўзинг бўлсин.

* * *

Сийлагани пул топмасанг,
Сийпагани тилинг бор.

* * *

Суйдирган ҳам тил,
Куйдирган ҳам тил.

* * *

Таом лаззати ўзида,
Одам лаззати — сўзида.

* * *

Тили шириннинг дўсти кўп.

Тоza сувни ер олар,
Яхши сўзни эл олар.

* * *

Туя ҳам муомалага чўқар.

* * *

Ширин сўз шакардан ширин.

* * *

Яхши гап билан илон инидан чиқар.

* * *

Яхшининг сўзи — қаймоқ,
Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ.

* * *

Яхши оғизга — ош,
Ёмон оғизга — тош.

* * *

Яхши сўз — жон озиғи,
Ёмон сўз — бош қозиғи.

* * *

Яхши сўз — кўнгил подшоси.

* * *

Яхши сўз филин ҳам йўлга солар.

* * *

Яхши ош бергунча, яхши сўз бер.

* * *

Яхши сўз болдан ширин.

* * *

Яхши сўз — юракка малҳам,
Ёмон сўз — юракка ғам.

* * *

Яхшининг сўзи — олтин,
Ёмоннинг сўзи — болта.

* * *

Қаттиқ гап қариндошга ҳам ёқмас.

* * *

Қулоқдан кирган совуқ сўз
Кўнгилга бориб муз бўлар.

«Арбаъин ҳадис ва кирқ мақол»
китобидан.)

ТУТФУРУШ
БОБО

Бозорга тушсак, бобо ўти-
риб тут сотаяпти:

— Кел болам, сувтекин
бўлиб кетди!

Қанча дегандек имладим.
— Икки банкиси минг сўм,
отамнинг чорбоғидан!

Бобонинг олдига қараб
юрдик.

— Ҳа, шундай денг! Қачон
экан?

— Отам одам замон-да!
Нимага соламиз, деган
маънода анграйиб тургандик,
отамнинг кўзлари кичрай-
ди.

— Энди, идишиниям бе-
райми? Жа, пишиқ эксан!
Ундан-бундан сўраб сала-
фан топиб, «оғзи»ни очдик.

Бобонинг кўллари титраб,
қошиқ билан аввал банкага,
кейин салафанга тут сола
бошлади. Ёрдам бермоқчи
бўлдим.

— Бобо, қошиқни беринг!
Чарчабсиз, куни билан ўти-
риб...

Унинг ранги ўзгарди.

— Тегирмон тош юргиз-
димми?! Нега чарчаркан-
ман?..

Айёрона кулиб ёрдамни
рад этди.

— Кўтара ол десам, анави
чайқовчи кўнмайди. Нима,
текинга бераманми унга? Ота-
си кўли қабариб эмаганда,
мехнатни билмайди.

Бобо аланглаб харидор ча-
кирди:

— Хов, пари қизим, пулни
бегона қилма?!

Киз «Ҳозир қайтаман, ота!»
деганча раста оралади.

Дўстим чўнтагини ковлаб
отага пул узатди. У пулни
жуда усталик билан буклаб,
энг қулай жой — пайпоғининг
орасига тикди. Пайпоғи яна-
ям дўппайди.

ТАРСАКИ
ОРТИДАГИ
ЎГИТ

Чойхонада қотма, чайир
қўриниш, пишиқ табиатли
бир чолга яқин ўтириб қол-
дим. У кишининг ҳам кайфи-
яти яхши эмас эканми, бир
коса шўрвани зўрга чўқилаб-
чўқилаб еди. Бобонинг фо-
тиха тортишини қўтиб ўти-
рарканман, у кўлини рўмон-
часига артки-да, менга им-
лаб деди:

— Охиригача ичиб кўй!
Бобого иштахам йўқлиги-
ни айтдим.

У буйруқни такрорлади.
Отахоннинг гапига парво қил-
май, идишни нари сурдим.
Шу пайт унинг рапидадек
кўли тарс этиб бетимга тег-
ди.

— Ичмасанг, ҳеч қаерга
кетмайсан.

Шошиб шўрвани ҳўпладим.
Бобонинг ундаши билан дар-
ров косани бўшатдим.

Мўйсафид соқолини тутам-
лаб жилмайди.

— Болам, эр жигит риз-
қини, аёлини, уловини кўча-
да қолдирмайди.

Тарсаки қулоғим остида
хануз жаранглайди.

Олим ЖУМАОБОВ

ЛАТИФАЛАР

Афандининг мақтанчоқлиги

Бир суҳбатда чавандозликдан сўз кетди. Нав-
бат Афандига келди:

— Бир куни кўпқарига Хожимат саркор боқу-
дан чиққан бир саман отни олиб келди. Улоқчи-
лардан бири келиб минган эди, ўйноқлаб кетиб,
кўтариб урди; иккинчиси минган эди, уни ҳам ерга
чалпак қилди. Борингки, ҳеч кимни ёнига йўлат-
мади. Кейин мени чақиритди: «Мулла Насрид-
дин! Ўзингиз минмасангиз ҳеч ким эплаётмайди-
ганга ўхшайди», дейишди. Шартта ўрнимдан ту-
риб, енгимни шимариб, этакнинг пешини қайта-
риб, пешонани танғиб бир сакраб отни миндим,
бошини қўйиб юбордим...

Афандининг гапи шу ерга келганда отнинг эга-
си — саркор кириб қолган эди, Афанди нима
дейишини билмай:

— Шундай қилиб десаларинг, ўн қадам нарига
бормасданок мени чалпак қилиб ағдариб урса
бўладими? — деди.

Ажабо!

Афанди қорни оч, бозор айланиб юриб бир боқ-
қолнинг олдидан чиқди. Боққолнинг дўқонида ту-
хум, сариеғ, асал турар эди. Афандининг иштаха-
си очилиб кетиб, боққолдан сўради:

— Шу тухум, сариеғ, асал сизникими?

— Ҳа, албатта, — деди боққол, — дўқондаги
хамма мол ҳам меники.

— Ажабо, — деди Афанди. — Сизники бўлса,
нега қуймоқ қилиб емасиз?

Шафтоли эканини ким айтди?

Афанди бир халта шафтоли кўтариб кўчада бо-
рар экан, бир тўда болаларга қараб:

— Халтадаги нима эканигини топсаларинг, бит-
та шафтоли бераман, — деди.

— Халтангиздаги шафтоли, — дейишди бола-
лар.

— Шафтоли эканлигини сизларга қайси бад-
бахт айтди? — деди Афанди.

Ривоят қилибдурларки, Фазл Сахлнинг бошига давлат куши
кўнамасдан аввал, у бағдодлик
бир баққол билан дўст тутинган
эди. Баққолнинг номини Худо-
бард деб атардилар. Фазл Сахл
ҳар вақт Бағдодга келса, албат-
та баққолнинг олдига борар ва
баққол ҳам унинг йўлига пеш-
воз чиқиб, сидқидил билан хиз-
матда бўларди.

Ниҳоят, бахт Фазл Сахлга ку-
либ боқди ва у Маъмунга вазир
бўлиб тайинланди. Бироқ тақ-

дирнинг хилма-хил найранглари
аввга чиқиб, Фазл Сахлнинг бо-
шига бахт куши кўнганда, бақ-
қолнинг иши инқирозга юз тут-
ди. Баққол тижорат ботида ҳар-
чанд ҳаракатлар қилмасин, ба-
рибир, фойдаси бўлмади. Қайси
матони олмасин, касод бозори-
да сарсон бўлаверди. Ниҳоят,
бора-бора давлатмандлик дар-
вешликка мубаддал бўлди.

Баққол тирикчилик зарурати
юзасидан Бағдоддан чиқиб Ху-
росонга юз ўғирди ва Фазл Сахл
хузурига таширф буюрди. Фазл
Сахл баққолнинг келганидан ха-
бар топиб, дарҳол уни ўз хузу-
рига тақлиф қилди ва кўп илти-
фотлар кўрсатди. Баққолга шо-
ҳона кийимлар инъом қилди. Бақ-
қолнинг шарафига катта зиёфат
берди. Зиёфатга йиғилганларга
баққолни таништиради: «Бу ме-
нинг биродарим ва энг яқин
дўстимдир», деди. Шундан сўн-
гунга икки юз минг динор инъом
қилди ва ўзининг хос анжуман-
ларида энг яқин маслаҳатгўйла-

ридан бирига айлантирди.

Кунлардан бир кун баққол ода-
ти бўйича Фазл Сахлнинг хузу-
рига кирди ва уни ғамгин аҳвол-
да кўрди ва ундан паришонхо-
тирлигининг сабабини сўради.

— Ҳозир бизнинг лашкарлари-
миз Бағдоддадир, — деб жавоб
берди Фазл Сахл, — ани душ-
ман бошқа томондан бизга ҳужум
қилиб келмоқда. У томонда эса
душманга баробар келадиған да-
ражада лашкаримиз йўқдур.

— Вазир, бу борада ғамгин

ҳаққоният иши учун бормоқда-
сизлар. Душман эса адолатсиз-
лик йўлидан келмоқда. Адолат-
сизлиқнинг умри эса қисқади.
Ҳар ким душманни банди қилиб
менинг олдимга келтирса, ул ки-
шига юз минг динор инъом
қилурман.

Бу сўзни эшитган аскарлар
душманга баробар ёпирилиб
хужум қилдилар. Бу хужумда
душман аскарлари тор-мор

Муҳаммад АВФИЙ

БАҚҚОЛ ҚИССАСИ

бўлмаса ҳам бўлади, зеро, бу-
гун осмон ҳам бу давлатнинг
равнақи учун ҳаракатда ва фа-
лак ишбошилари камарбаста-
диллар. Сенинг биргина ишора-
тинг кифоядир, барча душман-
лар ер билан яксон бўлурлар.
Агар буюрсанг, мен бориб, бу
мушкулотни сенинг бошингдан
даф қилай.

Сахлга баққолнинг фикри
маъқул тушди ва ўзича ўйлар-
кан, яхшиси, уни лашкар билан
жўнатай, агар душманга ғолиб
келиб, уни ер билан яксон қилса,
мурод ҳосил бўлғай, агар иш
аксинча бўлган тақдирда ҳам... У
баққолга камоли ишонч юзаси-
дан бошқа ҳаракатни қилмади ва
лашкарбоши, пахлавонлар ҳамда
лашкарни йиғмади. Баққолни
бир ғуруҳ аскар билан душман-
га қарши юборди. Баққол душ-
манга яқинлашган, ўз аскарла-
рига мурожаат қилди: «Сизлар-
га маълум бўлғайки, сизлар

қилиниб, лашкарбошини боғлаб,
баққолнинг олдига келтирилди.
Баққол Фазл Сахл хузурига мак-
туб йўллади. Мактубнинг маз-
муни қуйидагича эди: «Амирга
маълум бўлғайки, мен бозор ки-
шисидурман, фатҳнома ёзиш-
нинг уддасидан чиқа олмайман
ва лекин шуни билдираманки,
мактуб ортидан ўзим ҳам этиб
борурман ва душман бошлиғи-
ни боғлаб олиб боргайман, вас-
салом».

Фазл Сахл мактубни ўқиб зи-
ёда хурсанд бўлди ва амирулм-
ўмининга хушхабарни етказди.

Дебдурларки, ўша кеча Фазл
Сахл туш кўрибди: гўё Худобард
баққолнинг фатҳи Фазл Сахл-
нинг баққолга қилган яхши аҳду
паймонида эмаш. Зотан, ҳар
ким яхши аҳду паймон билан ўз
давлатидан дўстларни сарафроз
қилса, у кишининг ўзи ҳам, бо-
лалари ҳам эзгу фазилатлар би-
лан таъминланғай.

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

2014-yil 12-noyabr, № 91 (8740)

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ — МУРАББИЙ ИҚБОЛИ

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий дурдоналаримиз эскилик сарқити дея қораланган пайтлар Косон туманининг чекка Гувалак қишлоғида тахта қишғири сомон ситига силлаи тўшаб, қишлоқ қизларига миллий кураш сир-асорини ўргата бошлаган мураббийнинг хатти-ҳаракатлари устидан кулганлар ҳам бўлган. Истиқлолга эришгач, мамлакатимизда спортга, айниқса, хотин-қизлар спортига алоҳида эътибор қаратилиб, барча қўлайликлар яратиб берилиши билан Пўлат Омонқулов каби фидойи мураббийлар орзулари ушалди, кўнгиллар равшан тортиди.

Болалиги ўтган асрнинг етмишинчи йилларига тўғри келган бу мураббий кураш сирларини даставвал тўй давраларида ўрганган.

— Галаба нашидасини илк бор олти ёшимда тогганман, — дея эслайди Пўлат Омонқулов. — Қишлоғимиздаги тўйларнинг бирида катта кураш уюштирилди. Ўзимдан уч-тўрт ёш катта йигит билан куч синашга олиб чиққан қишлоқ оқсоқоли «Бобонг Омонқуловнинг руҳи қўласин, келажакда сен ҳам бобонг каби катта полвон бўл», дея дуо қилган, ўшанда. Рақибимни биринчи нафаслаёқ елкамдан ошириб, «юлдуз санатганман». Шу-шу бўлдию, кураш менинг бир умрлик йўлдошимга айланди.

1981 йили ҳозирги Қарши давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига қабул қилинган Пўлат Омонқулов устози, тажрибали мураббий Сайфулла Расуловдан миллий кураш, самбо ва дзюдо сирларини кўнгил билан ўрганди. Кўплаб мусобақаларда ғолиб бўлиб, элга танила бошлади.

Ўқшнинг охири босқичида ўқиб юрган кезлари кураш тушиб, ўнг қўли қаттиқ жароҳатланади. Жароҳат жиддийлиги сабаб икки йил даволанди. Бироқ энди у кураш туша олмасди. Бу нохуш хабар ёш полвонга қаттиқ таъсир қилди. Шундай бўлсада, у ўзини йўқотиб қўймади. Спортга бўлган меҳр ва иштиёқ уни кураш тўғрисида очишга ундади. Йиллар ўтгани сайин миллий кураш тўғрисида аъзолари орасидан Соҳиба Эштемирова, Динора Донаева, Дилафруз Абдурахимова, Алолат Бегимова, Ўғилой Нуралиева, Фазилат Омонқулова, Наргиза Арабова каби истеъдод эгалари терма жамоа сафига қабул қилинди.

Қувонарлиси, гувалаклик спортчи қизлар эришгаётган муваффақиятлар инobatта олиниб, 2009 йили Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ ёшларига спорт мажмуаси қуриб берилди. Шундан сўнг ўғил-қизлар бу иншоотда спортнинг ўндан

ортиқ тури билан шугуллана бошлади. Бугун ушбу мажмуа Косон туманидаги 4-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби сифатида фаолият юритмоқда.

Қашқадарёда тажрибали устоз-мураббийлар ҳақида гап кетганда, барча бирдек Пўлат Омонқулов номини алоҳида тилга олади. У қанча кўп ишласа, шунча роҳатланади. Унинг шиори ҳам шу. Бу ҳам фидойиликнинг бир кўриниши, аслида.

— Ҳаётимни шогирдларимсиз тасаввур эта олмайман, — дейди мураббий мусобақаларда ғолиб бўлган шогирдларининг суратларига боқиб. — Бугун миллий кураш тўғрисида 60 нафар ёшлар иштирок этаётган бўлса, уларнинг 44 нафари қизлар. Спортчи ўзига ишонсагина галаба қозонади. Буни шогирдларимга ҳар доим тақдирлаб, онига сингдириб бораман.

Мустақиллик йиллари Пўлат Омонқуловнинг шогирдлари орасидан 3 нафар жаҳон чемпиони, 4 нафар Осиё чемпиони ва 170дан ортиқ Ўзбекистон биринчилиги ғолиблари етишиб чиқди. Барногул Тиркалова, Дилфуза Халилова ва Зилола Раҳматова каби шогирдлари ҳам мураббий сифатида юздан ортиқ ёшларни чемпионлик шохсупасига олиб чиқилди.

Мураббий 1998 йили «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Шогирдларининг ютуғини ўз ютуғи, мағлубиятини ҳам ўз мағлубияти сифатида қабул қилган жонқуяр мураббийнинг 50дан зиёд издоши нуфузли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган, олий ўқув юртида таълим олган. Улар ўқиб-ўрганиб, олий маълумотли мутахассис сифатида чекка-чекка қишлоқларда болалар ва қизлар спортини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Бу мураббий Пўлат Омонқуловнинг энг катта ютуғи, десак янглишмаймиз.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ҳамда 2004 йилнинг 29 августидagi «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

ва 2001-2002 йилларда тузилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида ташкил этилган беллашувлар маълум маънода ана шу ғамхўрликларга ёшларнинг жавоби бўлди.

Мусобақаларда истиклолимизнинг иқтидорли фарзандлари волейбол, қўл тўпи, бадий гимнастика бўйича ўзаро куч синашди.



ИСТИҚЛОЛНИНГ ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

да»ги фармонларининг қабул қилиниши республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари, Навоий вилоятида ҳам қатор эзгу ишларнинг амалга ошишига туртки бўлди. Хусусан, барча имкониятларга эга 82та спорт иншооти барпо этилди ва реконструкция қилинди. 50га яқин мактабларга спорт заллари қуриб берилди.

«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси — 12 ёшда» шиори остида 1999-2000

— Мазкур мусобақаларнинг қўйи босқичлари дастлаб барча мактабларда ўтказилди, — дейди БСРЖнинг вилоят минтақавий филиали директори У.Жабборов. — Вилоят босқичида эса шаҳар ва туманлардан сараланган 420 нафар ўғил-қиз ўз маҳоратини намойиш этди. Байрамона руҳда, қизгин баҳсларга бой кечган беллашувларда бадий гимнастикачи қизлардан М.Ҳожиёва, Г.Кароматова, С.Муртазоева, С.Шодиеванинг нафис ва нозик ҳаракатларини кўпчилик

олқишлар билан қарши олди. Қўл тўпи ишқибозлари таҳсинига сазовор бўлган хатирчилик қизлар ва ўғил болалар жамоаси шохсупанинг биринчи погонасига кўтарилди. Навоий шаҳрининг волейболчи жамоалари эса пешқадамликни ҳеч кимга беришмади.

Ғолиблар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят минтақавий филиали томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

О.ОЧИЛОВА

МАЙДОНДА — «ГЎЗАЛЛИК МАЛИКАЛАРИ»

Қарши шаҳридаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди бадий гимнастика бўйича «Гўзаллик маликалари» Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада мезбонлардан ташқари Самарқанд, Навоий, Бухоро, Фарғона ва Наманган вилоятлардан келган, 2002—2007 йилларда туғилган бадий гимнастикачи қизлар ўзаро баҳслашди. Икки кун давом этган беллашувларда 2002 йилда туғилган қизлар ўртасида самарқандлик Меҳрўза Ҳамидова 1-, навоийлик Нозима Субхоннова ҳамда фарғоналик Паризода Ҳакимова 2-, қаршилик Паризода Тўрақулова, бухоролик Севарабону Раззоқова 3-ўринларни банд этишди. 2003

йилда туғилган қизлар баҳсида Қарши шаҳри вакили Азизахон Мирзаева биринчи, бухоролик Сайёра Фатуллаева иккинчи, мезбонлардан Сабина Нажмиддинова учинчи ўринни қўлга киритди. Қолган баҳсларда эса қаршилик Севинчбону Омонова, Севинч Шамсиева, самарқандлик Амира Юнусова, бухоролик Муштарий Жўраева ҳам ўз иқтидорини намойиш этиб, ғолиблар сафидан жой олди.

Мусобақа ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ў.МЕЙЛИЕВ

Қашқадарё вилояти




ҒОЛИБЛАР — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИГА

Нукус олимпия захиралари спорт коллежиди стол теннис буйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати бўлиб ўтди.

Унда 28 ёшгача бўлган 200 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Қизгин баҳслар якунига кўра хотин-қизлар ўртасида Гулзира Абенова, эркалар ўртасида Шерзод Йўлдошов биринчи ўринни эгаллади.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

ЎЗА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.



SHahning Ta'lim

Abituriyentlar uchun yangi elektron testlarni endilikda O'zbekistonning istalgan nuqtasidan turib olish mumkin!

O'zbek va rus tillarida

DIQQAT! Endilikda testlarning istalgan quyidagi uch versiyasidan foydalanish mumkin:

- to'liq versiya (10 ta fan)
- komplekt (ta'lim yo'nalishiga bog'liq 3-4 ta fan)
- alohida fanlar

ONA TILI VA ADABIYOT

MATEMATIKA

FIZIKA

BIOLOGIYA

KIMYO

TARIX

GEOGRAFIYA

INGLIZ TILI

NEMIS TILI

FRANSUZ TILI



Guvohnoma №005067-03

- O'tgan yillardagi o'tish ballari
- Kasbga yo'naltirish bo'yicha testlar
- O'quv yurtlari va mutaxassisliklar haqida batafsil axborot

Batafsil ma'lumolarni
WWW.MG.UZ saytidan yoki
+99871 **283-23-74, 283-39-34**
telefonlari orqali olish mumkin.

Xizmatlar litsenziyalangan.

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг замон талаблари асосида билим олиши, касб-хунар эгаллаши, иқтидор ва истеъдодини намойён этиши учун зарур шароитлар яратиш борасида Навоий вилоятида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.

2014-yil — Sog'lom bola yili

Учқудуқ туманидаги “Келажак” ёшлар марказида 200 дан зиёд ўғил-қиз бўш вақтини самарали ўтказмоқда. Марказда ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, тасвирий санъат, зардўзлик, компьютер саводхонлиги каби ўндан ортиқ тўғарак мавжуд. Замонавий шароитларга эга маскан ёшлари ўз олдларига юксак мақсадларни қўйган.

ЎЗА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ
олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-1124. Tiraj 38927.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat»-dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 21.15 Topshirildi — 21.45

1 2 3 4 5